



2050 йилга бориб Ўзбекистонда электр талаби

100 ГВтга етиши мумкин

Oila va

Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

# ТАВИАТ



№ 16-17 (727) 23.04.2026 www.ekogazeta.uz @ekogazeta



## Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда ИҚЛИМ ВА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИНИ

## ҲАЛ ҚИЛИШ бўйича янги ташаббусларни илгари сурди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 апрель куни Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган Минтақавий экологик саммитнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурелсух, Арманистон Президенти Ваагн Хачатурян, Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе ва Озарбайжон Бош вазири Али Асадов ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевни саммитнинг муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий табриклаб, унинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ўзида мужассам этган «Барқарор келажак учун умумий нигоҳ» деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Президентимиз мазкур учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг манتيқий давоми эканини таъкидлаб, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизими ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганидан мамнунлигини таъкидлади.

→ 3-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Минтақавий экологик саммитдаги нутқи



«Глобал экологик бирдамлик заифлашаётгани чуқур хавотир уйғотмоқда. Декларациялар ва даъватлар ресурслар билан мустаҳкамланмаяпти. Глобал иқлим ўзгаришига энг кам таъсир кўрсатаётган мамлакатлар унинг оқибатлари билан яна яқкаю ёлғиз қолмоқда...»

→ 2-бет

## Чиқиндидан биогаз ва энергия

ишлаб чиқариш йўлга қўйилади

→ 4-бет

## Табиатнинг одил

мезонидан ўрганишимиз керак

→ 7-бет

## Ердаги музликлар

хавотирли суръатда қисқаряпти

→ 11-бет

## Амалиёт илмга

асосланса самара беради

→ 13-бет

Экопартия  
депутати:

«Энг чекка ҳудудгача етиб боришимиз шарт»

→ 8-9-бетлар

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Минтақавий экологик саммитдаги НУТҚИ

## Хурматли Қасим-Жомарт Кемелевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қасим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Минтақавий экологик саммитни ўтказиш борасидаги ташаббуси ҳамда уни юксак даражада ташкил этгани ва анъанавий илиқ меҳмондўстлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистон саммитнинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро чуқур боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ифода этадиган «Барқарор келажак учун умумий нигоҳ» деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантиқий давомидир. Қувонарлиси шундаки, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

## Хурматли саммит иштирокчилари!

Бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

Глобал исиш суръатларининг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари аллақачон деградацияга учради.

Глобал экологик бирдамлик заифлашаётгани чуқур хавотир уйғотмоқда. Декларациялар ва даъватлар ресурслар билан мустаҳкамланмаяпти. Глобал иқлим ўзгаришига энг кам таъсир кўрсатаётган мамлакатлар унинг оқибатлари билан яна яқкаю ёлғиз қолмоқда.

Халқаро ҳамжиҳатлик, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илғор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида, адолатли ва тўсиқсиз фойдаланиш имконияти билан таъминланишида намоён бўлиши лозим деб қатъий ишонамиз.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ

бўлди. «Марказий Осиё учун яшил кун тартиби» минтақавий дастури, Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегия ҳамда Барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастур бундай шерикликка мисол бўла олади.

Бугунги форумда «Марказий Осиё экологик бирдамлиги» декларацияси, шунингдек, БМТ тузилмалари билан яқин шерикликда амалга ошириладиган, 2030 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши умумий ишимизга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

## Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон экологик барқарорликни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги «яшил белбоғ»лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг «Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди.

Сувни тежаш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар натижасида биз йилига 10 миллиард куб метр сувни иқтисод қилмоқдамиз. Генерация қувватларимизда «яшил» энергетика улуши аллақачон 30 фоизга етди, жорий ўн йилликнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади. Биз Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбуриятини муддатидан олдин бажардик ва олдимизга янги мақсад – уларни 2035 йилгача икки баробар қисқартириш вазифасини қўйдик.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард килватт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

## Хурматли делегациялар раҳбарлари! Ишончим комилки, Марказий Осиё

давлатлари иқлим ва экология муаммолари қаршисида, хавф-хатарларни янги ўсиш нуқталарига айлантирган ҳолда, ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим.

Шу муносабат билан бир қатор аниқ таклифларни тақдим этмоқчиман.

**Биринчи.** Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда «Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси» давлатлараро консорциумини таъсис этиш минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади деб ҳисоблайман.

Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган «яшил» молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

**Иккинчи.** Ўзбекистондаги Яшил университет ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш марказига минтақавий макон беришни таклиф этаман.

Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини беради.

**Учинчи.** Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун «Марказий Осиё яшил савдо йўлаги»ни шакллантиришни таклиф этаман.

Имтиёзли божхона тартибларини жорий этиш ва экомасулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олиш ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш ва маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

**Тўртинчи.** Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш кейинги қадам бўлиши керак.

Бу бизга тарқоқ ташаббуслар билан эмас, балки минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уни амалга ошириш учун шерикларимизда қизиқишни кучайтиради.

**Бешинчи.** Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш ҳам минтақамиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Аминманки, бу атлас минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган

фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади.

**Олтинчи.** Биологик хилма-хилликни сақлаш учун «Марказий Осиё Қизил китоби»ни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офиси бу ишда мувофиқлаштирувчи бўлиши мумкин.

Минтақа «Қизил китоб»и йўқолиб бораётган турларнинг шунчаки рўйхатидан иборат бўлиб қолмасдан, соҳада ҳамкорликдаги ишимиз учун амалий платформага айланиши лозим.

**Еттинчи.** Иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун экологик таълим ва ёшларни фаол жалб этиш жуда муҳим. Шу мақсадда Бокуда бўлиб ўтган COP-29 анжумани давомида мамлакатларимиз ёшлари иштирокида Экология бўйича маслаҳат қўмитаси тузилган эди. Ушбу қўмита платформасида 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишни таклиф этаман.

**Саккизинчи.** Экологик кун тартибининг илгари суриш доирасида шу йилнинг 31 май – 5 июнь кунлари Самарқандда Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси, сентябрь ойи охирида эса Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форуми бўлиб ўтади.

Сизларни ушбу халқаро анжуманларда фаол иштирок этишга таклиф этаман. Аминманки, уларнинг натижалари мамлакатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишига қаратилган амалий ташаббусларни рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшади.

## Хурматли саммит иштирокчилари!

Замонавий экологик таҳдидлар мамлакатларимиз барқарорлигини синовдан ўтказмоқда.

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши бизга нафақат табиатдаги кучайиб бораётган хавф-хатарларга самарали мослашиш, балки уларни технологик янгилашиш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг кучли омилига айлантириш имконини беради.

Ишончим комил, кўп асрлик яхши қўшничилик анъаналарига таянган ва қатъий сиёсий иродамизни намоён этган ҳолда, биз Марказий Осиёни экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш маконига айлантирамиз. Эътиборингиз учун раҳмат.



## Депутат фикри

– Бугунги кунда ердан самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки стратегик ва ҳаётий аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари томонидан ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланаётган устувор вазифалар буни яна бир қарра тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида ердан фойдаланиш самарадорлиги кескин ошди, ернинг ҳақиқий эгаси уни қадрлайдиган ва ундан даромад оладиган тадбиркор шакллана бошлади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсиш, экспорт салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур ислохотларнинг энг муҳим жиҳати ер ва сув ресурсларига нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантираётганидир. Чунки ердан фақат фойдаланиш эмас, балки уни асраш, унмдорлигини сақлаш ва келажакка етказиш энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон Экологик партияси ушбу йўналишдаги ислохотларни қўллаб-қувватлайди ва уларнинг экологик жиҳатдан мукамал амалга оширилишида фаол иштирок этади.

**Абдушукор ҲАМЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси  
Марказий Кенгаши Ижроия  
қўмитаси раиси:





## Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича

# ЯНГИ ташаббусларни илгари сурди

**RES+  
EXPO**  
REGIONAL ECOLOGICAL SUMMIT EXPO 2026

← **1-бет** Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

“

**– Глобал исиш суръатларининг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари аллақачон деградацияга учради, – деди давлатимиз раҳбари.**

Глобал экологик бирдамлик заифлашаётганидан чуқур ҳавотир билдирилди. Ривожланаётган мамлакатлар иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илғор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида ва адолатли фойдаланиш имконияти билан таъминланиши муҳимлиги таъкидланди.

Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлгани мамнуният билан қайд этилди.

Буни «яшил» кун тартибининг илгари суриш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор муҳим, стратегик аҳамиятга эга минтақавий дастурларнинг қабул қилингани ҳам тасдиқламоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича кўрилатган тизимли чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

“

**– «Яшил макон» лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги «яшил белбоғ»лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг «Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди, – деди Ўзбекистон етакчиси.**

Бундан ташқари, сувни тежаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида йилига 10 миллиард куб метр сув иқтисод қилинмоқда. Мамлакатимизнинг генерация қувватларида «яшил» энергетика улуши аллақачон 30 фоизга етди, 2030

йилнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади.

Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбурияти муддатидан олдин бажарилиб, 2035 йилгача уларни икки баробар қисқартириш бўйича янги марра белгиланди.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёдаги иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича бир қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда «Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси» давлатлараро консорциумини таъсис этиш таклифи билдирилди. Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган «яшил» молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

Президентимиз Тошкентдаги Яшил университет ҳузурда фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурқоқчиликнинг олдини олиш ҳамда кум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш марказига минтақавий мақом бериш муҳимлигини таъкидлади. Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун имтиёзли божхона тартиблари ва экомасхулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олишни назарда тутувчи «Марказий Осиё яшил савдо йўлагини» шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг

ягона инвестиция портфелини яратиш долзарб масала эканлиги қайд этилди. Бу минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини яратиб, шерикларда уни амалга оширишга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласи яратилиши минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланиши мумкин.

Биологик хилма-хилликни сақлаш учун «Марказий Осиё Қизил китоби»ни ишлаб чиқиш, бу жараёнда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офисини мувофиқлаштирувчи сифатида белгилаш таклиф қилинди.

Ёшлар орасида иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида тадбир иштирокчиларини шу йил Самарқандда бўлиб ўтадиган Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси ва Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумида иштирок этишга таклиф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистонга амалий ташрифи дастури доирасида Остона шаҳридаги «EXPO» халқаро кўргазмалар марказида ташкил этилган Минтақавий экологик саммит кўргазмасидаги миллий павильонларни бориб кўрди.

MES-2026 диққат марказида экологик сиёсатга комплекс ёндашувни акс эттирувчи саккизта устувор йўналиш турибди: иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озик-овқат хавфсизлиги ва экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, табиий хавф-хатарларга мослашиш ва иқтисодий барқарорликни ошириш, ҳаво ифлосланишини камайтириш ва чиқиндиларни самарали бошқариш, экологик мақсадларга эришиш механизмларини ривожлантириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, адолатли ва инклюзив «яшил» ўтиш, экологик ҳамда рақамли компетенцияларни ривожлантириш. Саммит кун тартиби барқарор ривожланишнинг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳам қамраб олган.

Тадбирда иштирок этаётган мамлакатларнинг миллий павильонларида уларнинг ушбу йўналишлардаги ютуқлари ва келгуси режалари намойиш этилмоқда.

Интерфаолик ва мультимедиа элементларига эга кўргазма-тақдимот майдони шаклида барпо этилган Ўзбекистон павильони мамлакатимизнинг экология, иқлим ўзгариши ва Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши соҳаларидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шунингдек, экспозиция Ўзбекистоннинг экология соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган хиссасини намойиш этади.

Олий мартабали меҳмонларга экологик тараққиётнинг замонавий моделини шакллантиришга қаратилган асосий ташаббусларни ўз ичига олган экспозиция тақдим этилди. «Чиқиндисиз ҳудуд», «Тоза ҳаво», «Яшил макон», «Экомаданият», «Биомерос» ва «Экологик таълим» каби умуммиллий лойиҳалар шулар жумласидан.

Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

## PARLAMENT

Экологик партия фракцияси:

**Барча лойиҳаларда  
экологик ёндашув****асосий тамойил  
бўлиши керак**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари, бугуннинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Жумладан, саноат хавфсизлиги бўйича муносабатларни тартибга солиш, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиш, коррупцияга қарши курашиш ишларида маҳаллий Кенгашлар ролини оширишга доир масалалар муҳокамасида Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари фаол иштирок этишди.**

**ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ВА ЗАРАФШОН ШАҲРИ  
ХУДУДИ КЕНГАЙМОҚДА**

Депутатлар дастлаб «Сурхондарё вилоятининг Қизилқум ва Жарқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги палата қарори лойиҳасини кўриб чиқди.

Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, тақлиф этилаётган чегара ўзгартиришлари мувофиқ, Жарқўрғон туманидан 4 740 гектар ер майдонини Қизилқум тумани таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда. Бу туманларни иқтисодий жиҳатдан бошқариш, 731 та оилада яшовчи 4 230 нафар аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга замин яратлади.

Мажлисида «Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Томди тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги палата қарори лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Чегараларга киритилаётган ўзгартиришлар билан Навоий вилоятининг Томди туманидан 2 459 гектар ер майдони Зарафшон шаҳри таркибига ўтказилиши белгиланмоқда.

Зарафшон шаҳрининг истиқболли режаси ишлаб чиқилиб, уй-жойлар, саноат, ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилади. Жумладан, узоқ муддатли бизнес-режага асосан ҳудудда 250 дан ортиқ саноат ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, 90 та ижтимоий соҳа объекти, 500 дан ортиқ савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш нуқталари барпо этиш режалаштирилган.

**Абдушукур ҲАМЗАЕВ**, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

– Куни кеча ушбу масалани фракцияда чуқур таҳлил қилдик, мутасаддиларга қўллаб-қувватлаш бердик. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Зарафшон шаҳрини кенгайтириш масаласи стратегик асосланган ва комплекс ёндашув доирасида амалга оширилмоқда. Бу қарор нафақат ҳудудий ўзгариш, балки иқтисодий трансформация учун муҳим қадамдир.

Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий база ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлади.

Ўз навбатида, фракциямиз томонидан янги барпо этиладиган барча лойиҳаларга экологик ёндашув асосий тамойил бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада ўз тавсияларимизни бердик.

Мазкур масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

**АҲОЛИ ВА АТРОФ-МУҲИТ  
ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ОИД  
МУҲИМ ТАЛАБЛАР**

Депутатлар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Ушбу ҳужжат саноат хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини оширишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан инсонларнинг ҳаётига, соғлиғига, мол-мулкига ва атроф-муҳитга хавф туғдириши мумкин бўлган потенциал хавфли объектлар (лифтлар, юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, травалаторлар, шамол электр станциялари, аттракционлар) хавфсизлигига талаблар қўйилмоқда. Бу ушбу объектларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш, аҳолига улардан фойдаланишда хавфсиз муҳит яратиш, юз бериши мумкин бўлган авариялар ва уларнинг оқибатида келиб чиқадиغان бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Лойиҳа билан саноат хавфсизлиги йўналишида янги институт хизматлар кўрсатадиган эксперт ташкилотлари ҳам жорий этилмоқда. Улар хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларда ихтиёрий



маҳаллий Кенгашларнинг роли ва таъсири ортади. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ХАЛҚАРО МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ**

Ахборот технологиялари соҳасининг жадал ўсиши шиддат билан ривожланаётган саноатнинг чақирқиларига тезкорликда жавоб бера оладиган, мослашувчан ва илғор норматив-ҳуқуқий базани яратишни тақозо этади.

Бунда бозор иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инвестицияларни жалб этиш ва сунъий интеллект, катта маълумотлар каби илғор технологиялар билан ишловчи резидентлар учун шаффоф ва барқарор қонунчиликни яратиш асосий омил ҳисобланади.

Технологик компаниялар фаолиятини тартибга солувчи пухта ва мукамал қонунчилик миллий рақамли экотизимни глобал иқтисодий маконга интеграция қилиш имконини беради. Хорижий шериклар учун хавфларни камайтириб, илғор технологияларнинг кириб келишини тезлаштиради.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат – «Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси орқали Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини алоҳида ҳудудда махсус қонун билан тартибга солиш тақлиф этилмоқда.

Унга кўра, марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режимни яратиш (рўйхатга олиш, лицензиялаш ва тадбиркорлик тартиб-таомилларини соддалаштириш, тижорат операцияларини тартибга солишда халқаро стандартларни қўллаш), мослашувчан солиқ ва божхона тартибининг жорий этиш (2100 йилгача бўлган муддатга айрим фаолият турлари бўйича солиқлардан озод қилиш, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материалларни олиб қиришнинг соддалаштирилган тартиби) тақлифи илгари сурилмоқда.

Шунингдек, марказ иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланиш (рўйхатга олиш ва бошқариш учун ягона дарча ташкил этиш, интеллектуал мулк ва инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатлари), давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш (давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ тартибларини белгилаш, бизнес юртишида маъмурий тўсиқларни қисқартириш) назарда тутилди.

Марказ иштирокчилари учун «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда низоларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

асосда амалга ошириладиган саноат хавфсизлигини бошқариш тизимининг аудитини ўтказди.

Қонун лойиҳасида хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини бошқариш тизимининг аудити институтини жорий этиш ҳам назарда тутилди. Бу орқали эса янги бир тадбиркорлик йўналиши ихтисослаштирилган хизматлар бозори пайдо бўлади. Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратилиб, корхоналарда саноат хавфсизлиги доимий назорат қилиб борилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШДА МАҲАЛЛИЙ  
КЕНГАШЛАР РОЛИ ОШИРИЛАДИ**

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган – халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз курашиш сиёсатининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди.

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашининг раислари Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш фаолиятига бошчилиқ қилиши тақлиф этилмоқда. Ушбу норма коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини мустаҳкамлайди, – дейди **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Сапаргул Утемуратова**. – Лойиҳа билан маҳаллий Кенгашларнинг бошқа ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланиши назарда тутилмоқда. Бу билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлиги ошади. Ҳудудларда коррупцияга қарши курашишда

**Яшил иқтисодиёт****Чиқиндидан биогаз ва энергия ишлаб чиқариш йўлга қўйилади**

**Сирдарё туманидаги «Султон» фермер хўжалигида чорвачиликни замонавий ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган янги лойиҳа амалга оширилади. Хўжаликда ҳайвон чиқиндиларини қайта ишлаш орқали биогаз ва муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда.**

Бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари Сирдарё вилояти ҳокими Эркинжон Турдимовнинг хўжалик фаолияти билан танишуви чоғида маълум қилди. Вилоят ҳокими чорвачилик комплексидagi ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишди, мавжуд инфратузилма ҳолатини кўздан кечирди ҳамда соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказди.

Муҳокамада қайд этилишича, биогаз технологиясини жорий этиш орқали хўжаликда ҳосил бўладиган органик чиқиндилар фойдасиз маҳсулот сифатида эмас, балки қимматли ресурс сифатида қайта ишланади. Натижанда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган энергиянинг

бир қисми ички манбалар ҳисобидан қопланади.

Вилоят ҳокими мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаб, фермер хўжаликларида замонавий технологияларни жорий этиш, айниқса, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратиш йўналишини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, соҳада илмий ёндашув ва инновацион ечимларни амалиётга жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мутахассислар фикрича, биогаз қурилмасининг ишга туширилиши «Султон» фермер хўжалигида нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки экологик юкларни камайтириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва «яшил энергия» манбаларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Ғулом ПРИМОВ**,  
ЎЗА мухбири



### «Soliq to'lamayman deyishga or qilish kerak» –

Ozodbek Nazarbekov. Madaniyat vaziri san'atkorlarga solinishi kutilayotgan daromad solig'i haqida gapirib, hamma soliq to'lashini aytdi. U bu mavzu ochilganda juda ko'p san'atkorlar savodsizligini ko'rsatib qo'yganini ta'kidladi.

## YASHIL KELAJAK

2030 йилгача жаҳонда электр энергиясига бўлган талаб ҳар йили 3,5 фоиздан ортиқ ўсиши kutilmoqda. Энергия тизимларининг барқарорлиги эса фақат янги қувватларни ишга туширишга эмас, балки электр тармоқлари, энергия сақлаш тизимлари ва мослашувчанлик механизмларини ривожлантиришга ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) ҳисоботида қайд этилган.

Мазкур масала Ўзбекистон учун фақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан чекланмайди, чунки бугунги кунда мамлакат олдида замонавий, ишончли ва барқарор энергия тизимини шакллантириш устувор вазибалардан бирига айланмоқда.



## 2050 йилга бориб Ўзбекистонда электр талаби 100 ГВтга етиши мумкин

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, академик Қахрамон Аллаев бу борада муносабат билдирди:

– Дарвоқе, Халқаро энергетика агентлиги ҳулосалари бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас. Қўёш ва шамол энергетикаси улушининг янада ортиши электр тармоқлари инфратузилмаси, энергия сақлаш тизимлари ва мослашувчанлик механизмларини жадал ривожлантиришни талаб қилади. Акс ҳолда, энергия тизими лойиҳалар етишмаслигига эмас, балки ўз инфратузилмавий чекловларига дуч келади.

Айниқса, бу масала Ўзбекистон учун ниҳоятда долзарб. Мамлакатда электр энергияси истеъмоли юқори суръатларда ўсиб бормоқда ва йирик иқтисодий лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши фониди бу ўсиш тенденцияси келгуси йилларда ҳам давом этиши kutilmoqda.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил февраль ойида стратегик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш ва мамлакат энергия тизими барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда давлат энергетикаси ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболларига оид муҳим маълумотларни келтирди. Мамлакатда электр энергиясига бўлган эҳтиёж ҳар йили 6-8 фоизга ортиб бормоқда. Президент ислохотлари доирасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар эса катта ҳажмда электр энергиясини талаб қилмоқда. Соҳадаги инвестиция портфели ҳам кўлами билан эътиборли – умумий қиймати 51,4 миллиард доллар бўлган 133 та лойиҳани қамраб олган.

Бундай шароитда масала энди фақат янги қувватларни ишга тушириш билан чекланмайди. Гап узоқ муддатли истиқболда энергия тизими барқарорлиги қайси манбалар ҳисобига ва қандай шаклда таъминланиши ҳақида бормоқда.

Баҳолашларга кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 53 миллион нафарга етади, электр энергиясига эҳтиёж эса 100 ГВтгача ошиши мумкин. Мамлакат sanoati ва қишлоқ хўжалиги жадал ри-

вожланаётгани янги электр ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишни талаб қилади. Афсуски, углеводород захиралари камайиб бормоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари эса аҳамиятига қарамай, узлуксиз ишламаслиги ва қимматлиги сабаб бу масалани тўлиқ ҳал этмайди.

Келгусидаги энергия таъминоти моделида табиий газнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иссиқлик энергетикасига илгаригидек қарамлик иқтисодиёт учун узоқ муддатли ягона асос сифатида қаралмаслиги керак.

Асосий масала айрим технологиялар ўртасидаги баҳсда эмас, балки турли энергия манбалари ўзаро қандай уйғунлашишида. Қўёш ва шамол энергетикаси келгусида ҳам кенгайиб боради. Бироқ захира қувватлари, энергия сақлаш тизимлари ва барқарор таянч қувватларсиз тизим барқарорлигини таъминлаш мумкин эмас.

Қўёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш, уларнинг экологик жиҳатдан афзаллигига қарамай, қатор техник чекловлар билан боғлиқ. Асосий муаммо электр энергияси ишлаб чиқаришнинг беқарорлигидир, шу боис мамлакатда захира қувватларини олдиндан яратиш зарур. 2035 йилгача Ўзбекистонда қарийб 5 минг МВт гидроаккумуляция электр станциялари ва тахминан 4 минг МВт аккумуляторли батареялар барпо этиш режалаштирилган. Бу генерациядаги тебранишларни юмшатиб, энергия тизими ишончилигини оширади.

Шу ўринда айтиш жоизки, бунда атом энергетикасини қайта тикланувчи манбалар ўрнини босувчи ечим эмас, балки келажакдаги энергия баланси қисми сифатида баҳоланмоқда.

Бу энергия тизимининг барқарор ишлаши ва иқтисодиёт ривожини учун мамлакатимиз қайта тикланувчи энергия манбалари билан бир қаторда асосий ва барқарор энергия манбаи – атом энергиясига ҳам таяниши зарурлигини англади. Атом энергетикасидан воз кечиш

қўмир ва газ импортига қарамликнинг янада кучайишига олиб келган бўлар эди. Бу эса аҳолининг ижтимоий турмуш шароитига, экологияга ва мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ёндашув ХЭАнинг халқаро баҳолашларига ҳам мос келади. Агентлик таҳлилига кўра, келажак энергия тизими бир турдаги генерацияга эмас, балки турли ечимлар уйғунлигига таянади. Бунда қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом энергетикаси билан бир қаторда электр тармоқларини ривожлантириш, энергия тизимининг мослашувчанлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон учун яқин ўн йилликларда айнан шундай ёндашув энг ҳаётий ёндашув бўлиб кўринади.

2035 йилга бориб, АЭС тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг, у йилига қарийб 17,2 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаради ва Ўзбекистон умумий энергия истеъмолининг 14 фоизигача бўлган эҳтиёжини таъминлайди. 2040 йилга келиб атом энергетикаси қуввати 4 ГВтга етади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, 2050 йилга бориб АЭС қуввати жами 13-15 ГВтгача ошиши керак. Бу эса углеводород энергетика ҳамда мамлакат энергетик хавфсизлигининг асоси ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, ХЭА ҳулосалари мамлакат учун фақат глобал баҳолаш сифатида эмас, балки стратегик қарорлар қабул қилишда амалий асос сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Энди масала яқин йилларда қанча янги қувватлар зарур бўлиши билан чекланмайди, балки асосий эътибор мамлакат ўсиб бораётган юклама шароитида бир вақтнинг ўзида ишончли, мослашувчан ва барқарор энергия тизимини шакллантира олиш-олмаслигига қаратилмоқда.

ЎЗА мухбири  
Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА  
ёзиб олди.



«Eco Expo Central Asia-2026»:

## Яшил тараққиёт

сари халқаро  
ҳамкорлик майдони

Сўнгги йилларда Ўзбекистон яшил иқтисодиёт соҳасида минтақавий марказ сифатида намоён бўлмоқда. Бунда ўрмонлаштириш, тоза ҳаво, чиқиндиларни бошқариш ва биохилма-хилликни асраш бўйича кенг қамровли миллий дастурлар стратегик аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча пойтахтимизда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан ўтказилган «Eco Expo Central Asia-2026» халқаро кўргазмаси тақдиротида ҳам бу алоҳида қайд этилди. Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, дипломатик миссиялар вакиллари, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро миграция ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Глобал яшил ўсиш институти, Франция тараққиёт агентлиги, Жаҳон банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов мамлакатда аτροφ-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Халқаро кўргазма sanoat тармоқлари, молия институтлари ва халқаро ҳамкорларни бирлаштирувчи, барқарор ривожланиш ечимларини илгари сурадиган амалий халқаро платформага айланаётганини қайд этди.

«Кўргазмада тоза технологиялар, қайта тикланувчи энергия, сувни тежаш, яшил шаҳарлар, барқарор қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни бошқариш, экологик инновациялар ва иқлимга чидамлилиқ каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ўтган 2025 йилда ҳам Тошкент шаҳрида биринчи «Eco Expo Central Asia» кўргазмаси муваффақиятли ўтказилган эди. Унда қарийб 3 000 нафар иштирокчи қатнашиб, 120 дан ортиқ келишув имзоланган. Бу эса минтақада экологик барқарорлик, инновация ва ҳамкорликка бўлган ҳизқиш ортиб бораётганини яққол намоён этди.

«Eco Expo Central Asia-2026» халқаро кўргазмаси эса жорий йилнинг 31 май – 5 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу кўргазманинг БЕҒнинг VIII Ассамблеяси билан бир вақтда ташкил этилиши унинг глобал аҳамиятини янада ошириб, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Тақдирот якунида хорижий давлатларнинг мазкур кўргазмада фаол иштирок этиши Марказий Осиё минтақаси ва ундан ташқарида барқарор келажакни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.



## PARTIYA HAYOTI

**Маҳалладаги муаммолар муҳокамаси**

Ўзбекистон Экологик партиясидан сайланган халқ депутатлари Мирзо Улугбек туман Кенгаши депутати Р.Умаров «Мирзакалон Исмоилий» округи сайловчилари билан учрашди. Худудда жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика тадбирлари самарадорлигини ошириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари мулоқот мавзусига айланди. Шунингдек, маҳалла фаоллари ва фуқаролар томонидан ички йўллари таъмирлаш, аҳоли учун янги дам олиш масканларини ташкил этиш ҳамда худудни ободонлаштириш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди.

Учрашув якунида билдирилган ҳар бир мурожаатни атрофлича кўриб чиқиш ва амалий ечим топиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Юнусобод туманида****Бепул тиббий кўрик**

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хасталикларни эрта босқичда аниқлаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бугунги соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу мақсадда жойларда мунтазам профилактик тадбирлар ташкил этилиб, фуқаролар учун қулай шароитларда тиббий кўриklar ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 16 апрель куни Юнусобод туманида ана шундай хайрли тадбир – бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати Отабек Эшонхўжаевнинг ушбу ташаббусига тумандаги 51-сонли оилавий поликлиника раҳбарияти «лаббай» деб жавоб берди.

Тиббий кўрик 51-сонли оилавий поликлиника биносида бўлиб ўтди ва унда 20-Жомий округига қарашли «Жомий», «Ифтихор» ҳамда «Янги ариқ» маҳаллалари аҳолиси қамраб олинди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – аҳоли ўртасида кенг тарқалган хирургияк хасталикларни, хусусан, қорин бўшлиғи аъзолари, ўпка, юрак ва қон-томир тизимидаги касалликларни барвақт аниқлашдан иборат бўлди.

Тиббий кўрик давомида 140 нафардан ортиқ фуқаро чуқурлаштирилган текширувдан ўтказилди. Ҳар бир мурожаатчига индивидуал ёндашиб, зарур ҳолларда кўшимча текширув ва стационар даволаниш бўйича йўланмалар берилди. Айрим фуқароларда хасталикнинг илк белгилари аниқланиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан муҳим тавсиялар берилди.

**Бағдодда ҳаммаёқ тоза**

Бағдод туманида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган навбатдаги хайрли ташаббус амалга оширилди.

Ўзбекистон Экологик партиясидан туман кенгаши, «Экология ва саломатлик» аёллар клуби ҳамда «Ёш экологлар» қаноти аъзолари худуддаги ихтисослаштирилган мактаб билан ҳамкорликда «Табиат учун» онлайн чорлови доирасида экологик акция ўтказдилар.

Тадбир давомида тумандаги дам олиш масканлари ва жамоат жойлари маиший чиқиндилардан тозаланди. Иштирокчилар худудларни ободонлаштириш билан бирга, аҳоли ўртасида тозаланиш сақлаш ва она табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ғояларини тарғиб этишди. Зеро, атроф-муҳит озодлиги нафақат бугунги кун талаби, балки келажак авлод олдидаги маънавий масъулиятимиздир.

**Мурожаатлар****Жойида ўрганилди**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Севара Файзиева ҳамда Яшнобод туман Кенгаши депутати Нигора Муротова «Қўйлиқобод» маҳалласи сайловчилари билан учрашди. Мулоқот давомида кўтарилган масалалар депутатлар томонидан бевосита жойига чиқиб ўрганилди.

Худуддаги 215-мактаб спорт майдончаси таъмирталаб экани аниқланиб, муаммони бартараф этиш бўйича масъул ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактаб худудидаги кузатув камералари ҳолати ҳам кўздан кечирилди. Ўрганиш натижасида таълим муассасасида 69 та видеокузатув мосламаси доимий ишчи ҳолатда экани тасдиқланди.

Бундан ташқари, Табибий кўчасидаги хавф туғдираётган эскирган симёғочлар ва электр тармоқлари билан боғлиқ муаммо ҳам эътибордан четда қолмади. Аниқланган камчиликлар юзасидан соҳа мутасаддилари билан боғланиб, уларни қисқа муддатда бартараф этиш бўйича зарур чоралар белгиланди.

**Табиат учун бирлашайлик: Хоразмда веломарафон**

Хоразм вилоятида «Табиат учун бирлашайлик» шиори остида оммавий веломарафон ўтказилди. Ўзбекистон Экологик партиясидан вилоят кенгаши ташаббуси билан

ташкил этилган мазкур тадбир аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш дастури ижроси доирасида ташкил этилди.

Урганч шаҳрининг сўлим масканларидан бири – Шовот канали бўйлаб ўтган 3,5 километр масофани босиб ўтиш учун нурунийлар, ёшлар, ҳаваскор спортчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари бирлашди. Марафон «Янгиобод» маҳалласидан бошланиб, Жалолддин Мангуберди мажмуасигача давом этди.

– Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – атроф-муҳит мусоффолигини асраш, экологик тоза транспорт воситаларини оммалаштириш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдир. Велоспорт нафақат саломатлик гарови, балки табиатга зарар етказмайдиган энг мақбул ҳаракатланиш воситасидир, – дейди **ЎЭП Хоразм вилоят кенгаши раиси Камол Жуманиёзов**.

Турли соҳа вакиллари билан бирга тадбирда бирлаштирилган веломарафон якунида фаол иштирокчилар партиясининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ғузурдаги мактабда энди компьютер бор**

Ғузур туманидаги «Батош» маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактабига Ўзбекистон Экологик партиясидан Қашқадарё вилоят кенгаши ҳомийлигида 12 та замонавий компьютер жамланмаси тақдим этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ноиба Иноятова, партиясининг вилоят кенгаши раиси Носир Ҳалимов, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудирини Бектош Шодиев ҳамда халқ депутатлари иштирок этишди. Қайд этиш жоизки, мазкур хайрли ташаббус Экологик партия фракцияси раҳбари Абдушукур Ҳамзаевнинг Ғузур тумани сайловчилари билан ўтказган очик мулоқотида илгари сурилган эди.

1981 йилда қурилган ва айни пайтда реконструкция қилинаётган ушбу таълим даргоҳида 800 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади. Янги техник воситалар мактабда ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчиларнинг робототехника ва замонавий илм-фан ютуқларини эгаллашида муҳим омил бўлади.

Таълимга берилган бундай эътибор ёшларнинг замон билан ҳамнафас бўлиши ва келажакдаги муваффақиятларига мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Кесилган дарахт ўрни****15 йилда ҳам тўлмайди**

Мамлакатимизда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида миллионлаб кўчатлар экилмоқда. Бироқ кўчат экиш ишнинг бошланиши, холос. Асосий мақсад – уни парваришлаб, вояга етказиш ва мавжуд яшил бойликни асрашдир.

Қарши шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласида яшовчи Феруз Хусанов ўз уйи атрофидаги захира ер майдонида 200 тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт экиб, «яшил белбоғ» яратган эди. Бироқ айрим кўни-кўшнилари йўлни кенгайтириш важи билан ушбу боғдаги дарахтларни кесишни талаб қилмоқда.

Мазкур мурожаат Ўзбекистон Экологик партиясидан вилоят ва шаҳар ташкилотлари ҳамда вилоят Экология бошқармаси ходимлари томонидан жойида ўрганилди. Мутахассислар фуқароларга дарахтларни ноқонуний кесишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтирдилар.

Ҳозирда ушбу масала юзасидан ўрганиш ишлари давом этмоқда.

ЎЭП Марказий Кенгаши матбуот хизмати



### Xorijiy mamlakatlardan 100 ming ishchiga talabnoma kelgan.

O'zbekistonda mehnat migratsiyasi geografiyasini kengaytirish va xorijdagi yuqori haq to'lanadigan ishlar uchun kadrlar tayyorlashni kuchaytirish rejalashtirilmoqda.



### Orolbo'yida havo sifatini kuzatish uchun 37 ta onlayn monitoring stansiyasi o'rnatildi.

Ular PM 2,5, PM 10 xavfli zarrachalar, zaharli gazlar va meteoko'rsatkichlarni o'lchaydi.

## E'TIROF

Экологик муаммолар тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда экологик ҳуқуқ соҳасини илмий жиҳатдан ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Бу борада мустақкам ҳуқуқий асослар яратилмас экан, амалий фаолиятда кўзланган марраларга эришиш имконсиз бўлиб қолади.

«Холислик ва адолатни табиатнинг

# ОДИЛ МЕЗОНИДАН ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК...»

**Абдушуккур ҲАМЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси  
Марказий Кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
партия фракцияси раҳбари



Шу маънода Ўзбекистонда экологик ҳуқуқ соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши энг муҳим жаҳатлардан биридир. Экологик ҳуқуқ базасини яратиш учун ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзигина етарли бўлмайди. Бунинг учун инсон ўз юрти, Ватани бағридаги ҳар бир майса-ғиёҳ, ҳар бир жонзот манфатларини ҳуқуқий ҳимоя қила оладиган чинакам табиат фидойиси бўлиши талаб этилади. Мазкур соҳага муносиб ҳисса қўшиб келаётган жонкуяр инсонлардан бири – юридик фанлари доктори, профессор Шухрат Ҳасанович Файзиев худди шундай юрт тақдирига дахлдор олим сифатида юксак эътирофга муносибдир.

Аслида табиат қонунлари энг холис ва адолат тамойилларига асосланади. Инсон ва табиат уйғунлигини теран англасаккина жамиятда ҳам қонун устуворлиги ва ҳақиқий адолатга эриша оламиз. Ҳуқуқшунос олим Шухрат Файзиевнинг фаолияти жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда ана шундай одилона мезонларга асослангани билан аҳамиятлидир.

У нафақат илмий изланишлари, балки давлат бошқаруви тизимидаги масъулиятли вазибалари, педагогик фаолияти ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги хизматлари билан ҳам мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг кўп йиллик самарали фаолияти, бой илмий мероси ва юксак ташиқлотчилик қобилияти уни экологик ҳуқуқ соҳасининг жонкуяр олимларидан бири сифатида намоеъ этмоқда.

Шухрат Ҳасанович ўз илмий фаолиятини аграр мамлакатнинг энг асосий драйвери бўлган қишлоқ хўжалигини такомиллаштиришга оид экологик ҳуқуқ соҳаси билан боғлаган. Илмий фаолиятини қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит-

ни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишга бағишлаган. «Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгани нафақат тадқиқотчилик ўзи, балки қишлоқ хўжалиги орқали тараққиётга эришаётган ёш мустақил давлат учун ҳам катта муваффақият олиб келган эди. Мазкур тадқиқот мамлакатимизда экологик ҳуқуқ соҳасида амалий аҳамиятга эга илмий иш сифатида эътироф этилди.

Ўз олдига стратегик мақсад қўйган олим илмий изланишларини яна шу соҳада давом эттирди. 2005 йилда «Ўзбекистон Республикаси экология сиёсатини ҳуқуқий таъминлашнинг назарий масалалари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу илмий иш мамлакатимиз экологик сиёсатини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва давлат экологик бошқаруви механизмларини илмий асослашга бағишлангани билан эътиборлидир.

Профессор Шухрат Файзиевнинг илмий раҳбарлик фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг раҳбарлигида 5 нафар олим юридик фанлар доктори (DSc), 12 нафари эса фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини қўлга киритган. Шу тариқа Шухрат Файзиевнинг ўзига хос илмий мактаби шаклланди, у мамлакатимизда экологик ҳуқуқ соҳасида янги авлод олимларини тарбиялашнинг фундаментал асосини ярата олди. Унинг шогирдлари, илмий давомчилари бугунги кунда олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва давлат органларида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Шухрат Файзиев жуда сермахсул олим ҳисобланади. Унинг илмий мероси ҳуқуқшунослик фанининг турли йўналишларини қамраб олган. Қисқа давр ичида 12 та дарслик, 7 та ўқув қўлланма, 15 та мо-

нография, 11 та илмий-амалий қўлланма, 380 дан ортиқ илмий мақолалари нашр этилгани олимнинг катта илмий салоҳиятидан далолат беради. Шухрат Ҳасанович илмий изланишларида экологик ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, аграр ҳуқуқ, парламент ҳуқуқи, қонун ижодкорлиги ва юридик техника масалаларини пухта тадқиқ қилган. Бугун Янги Ўзбекистонда айни шу соҳаларда амалга оширилаётган катта ислохотлар, халқимиз кутган янгиликларда ҳам Шухрат аканинг илмий изланишлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шухрат Файзиев халқаро миқёсда ҳам фаол илмий фаолият олиб бормоқда. Шу пайтгача олим Москва, Киев, Нагоя, Нью-Дели, Берлин, Дрезден, Алмата, Душанбе, Копенгаген ва Стокгольм каби йирик шаҳарларда ўтказилган халқаро конференция ва симпозиумларда маърузалар билан иштирок этган. Бу чиқишларда айнан Ўзбекистондаги парламент ислохотлари, сайлов жараёнларининг халқаро стандартлари, қонун ижодкорлиги, экологик қонунчиликни такомиллаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинган. Мамлакатимизда эришилаётган натижалар халқаро даражада эътироф этилган.

Шухрат Ҳасанович ўзининг илмий изланишлари, педагогик фаолияти ва давлат бошқарувидаги хизматлари билан мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фани ривожига ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган таниқли олимлардан. Унинг экологик ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлари, кўплаб шогирдлар тайёрлаши, қонун ижодкорлиги жараёнларидаги иштироки ва халқаро илмий ҳамкорликдаги фаоллиги уни нафақат юрти- мизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган олимлардан бирига айланттирган.

Шухрат Файзиевнинг фаолияти экологик ҳуқуқ соҳасидаги илмий мактабнинг ривожланишига, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустақкамлашга ва келажак авлодлар учун барқарор экологик муҳит яратишга хизмат қилиб келмоқда.

Шухрат Файзиев фақат илмий фаолият билан чекланиб қолмай, давлат бошқаруви тизими, фуқаролик жамиятининг асосий бўғинларида ҳам муҳим вазибаларни бажариб келади. Хусусан, 2024 йилдан бери Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши аъзоси сифатида фаол иштирок этиб келади. Зотан,

унинг илмий салоҳияти партияимизнинг кўпминг сонли аъзолари учун ғурур ва ифтихор бағишлайди, дастурий мақсадларга эришишда амалий куч беради. Бир сўз билан айтганда, бу йирик олимнинг партияимиз фаолиятидаги иштироки экологик сиёсатни шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат Ҳасанович партия фаолиятида юқори малакали эксперт сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг экологик ҳуқуқ, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги чуқур илмий билими, ўзига хос тафаккур мактаби партиянинг стратегик ҳужжатларини тайёрлашда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, партиянинг сайловолди дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида у ишчи гуруҳ ва эксперт сифатида жуда катта меҳнат қилди. Партия дастурининг илмий асосланган, ҳуқуқий жиҳатдан мукамал ва амалий аҳамиятга эга бўлиб шаклланишида олимнинг маслаҳатлари ва таклифлари муҳим роль ўйнади. Экологик хавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби йўналишларда Экологик партиянинг қатор ғоя ва таклифлари айнан унинг илмий қарашлари асосида шакллантирилганини эътироф этиш жоиз.

Профессор Шухрат Ҳасанович партияимиз фаолиятидаги иштироки давомда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва экологик қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Унинг бу борадаги фидокорона меҳнати, билим ва тажрибаси партияимизнинг илмий-экспертлик салоҳиятини мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Шухрат Ҳасанович мазкур жараёнларда доимо юксак масъулият, катта фидойилик ва ватанпарварлик билан иштирок этади. Экологик муаммоларни ҳал қилишда илмий ёндашувни таъминлашга интилади. Унинг экспертлик фаолияти партиянинг экологик сиёсатини мукамал тарзда юритиш, экологик қонунчиликни ривожлантириш ва мамлакатимизда барқарор экологик муҳитни таъминлашга хизмат қилаётгани ҳаммамиз учун қувонарли ҳолдир.

Профессор Шухрат Ҳасанович Файзиевнинг Ўзбекистон Экологик партияси фаолиятидаги иштироки унинг нафақат таниқли ҳуқуқшунос олим, балки экологик тараққиёт ғояларини амалга оширишга сидқидилдан хизмат қилаётган жамоат арбоби сифатида ҳам намоеъ бўлаётганини кўрсатади.

Шубҳасизки, бундай олимлар мамлакатимиз илм-фани, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ривожига муҳим таянч вазибаларини ўтайди. Шухрат Файзиев билан қачон суҳбатлашсам, бир гапни кўп такрорлайди: «Биз холислик ва адолатни табиатнинг одил мезонидан ўрганишимиз керак...» Олимнинг бу гапи нақадар ҳақлигини табиатнинг бугунги овози ҳам айтиб турибди.

» «Markaziy Osiyo mintaqasida esa harorat ikki barobar tezroq ko'tarilmoqda. Mintaqa yer maydonlarining 80 million gektari allaqachon degradatsiyaga uchrigan» – O'zbekiston Prezidenti.

MINBAR

# Депутат фаолияти НАТИЖАСИ

## Ислохотларнинг энг чекка ҳудудларга, ҳар бир хонадонга кириб боришида кўринади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Ботирали ШОДИЕВ билан суҳбат

– Ботирали Данабоевич, бугун экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиши қандай омиллар билан боғлиқ деб ўйлайсиз? Экология мамлакат ҳаётида иқтисодиёт, ижтимоий масалалар қаторида асосий ўринга кўтарилгани мамлакат ҳаёти учун қанчалик аҳамият касб этади?

– Инсон – табиатнинг ажралмас бўлаги. Унинг ҳаёти, фаолияти табиат билан бевосита чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, бугун экологик вазият ҳар қандай давлатнинг энг биринчи ўриндаги ташвиши бўлиши табиий ҳол. Аксинча бўлиши мумкин ҳам эмас. Дунё олимлари сўнгги юз йил ичида глобал исми шиддатли даражада авж олиб бораётгани ҳақида ташвиш билан бонг урмоқда. Бу эса аянчли оқибатларга олиб келади. Фасллар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, асрий музликларнинг эриб бориши, сув тақчиллиги, минтақа учун хос бўлган қишлоқ хўжалиги маданиятининг ўзгаришга юз тутиши, озик овқат хавфсизлигига таҳдид – буларнинг барчаси бугун бош қотирмас, эратага кеч бўладиган жиддий муаммолардир. Ўзбекистон ҳам ана шу реалликни тўла ҳис қилган ҳолда, глобал ҳамжамиятнинг ажралмас қисми сифатида экологияга асосий эътиборни қаратаётгани бежиз эмас. Чунки, бу келажак авлоднинг қандай ҳаётда яшашини белгилаб беради. Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 25 мартда қабул қилинган атроф-муҳит муҳофазасига оид фармон ва қарори ҳам бу борадаги тизимли сиёсатнинг навбатдаги босқичидир. Одамзот ҳамиша ўзидан кўра кўпроқ фарзанди-

ни, келажак авлодини ўйлаб яшайди. Биз бугун ҳал қилувчи қадамни қўядиган масъулиятли даврда яшаётган, фаолият юритаётган эканмиз, эртанги авлодга нафақат фаровон, балки экологик мусаффо ҳаётни қолдириш устида ҳам бош қотиришимиз шарт. Бугун Ўзбекистон айнан шундай йўлдан борапти.

– Касбингиз журналист бўлса-да, айнан Экологик партиядан бугун Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият юритяпсиз. Ўзингизда экология билан боғлиқ қандай жиҳатларни кўрасиз ва бу фаолиятингизда қанчалик ўрин тутмоқда?

– Аслида мусаффо ҳаёт учун ҳар бир инсон масъул. Журналист эса жамият ҳаётига нафақат бефарқ бўлмаган, балки жавобгар бўлган шахс сифатида ўн карра масъул десам, хато эмас.

“**Болалигим Кўшра-ботда – Нурота тоғлари этакларида ўтган. Қир-адирликларда кўй боқиб юрган чоғларимда она юрт табиатидан ҳайратланганман, унинг гўзаллигига лол қолганман.**

Отам мактаб директори эди. У кишининг ўғитлари асосан маҳалла-кўйни озода тутиш, ён атрофимизга чирой бағишлаб турган табиат неъматларини кўз қорачиғидай асраш ҳақида бўларди. Баъзан шўхлик қилиб, бу насиҳатлардан чиқиб, тоғдан лола, бўтакўз сингари гулларни териб келганимизда, таъзиришимизни еган вақтларимиз ҳам бўлган. Шундан ҳам, табиатни севиш, ундан ҳайратланиш ҳисси менда мурғаклигимдан камолга етган. Балки шунинг учун бўлса керак, менга номзодимни айнан Экологик партиядан кўрсатиш таклифи тушганида мамнуният билан қабул қилдим.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритар эканман, атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган қонун лойиҳаларини такомилга етказишда, уларнинг муҳокама жараёнида бу борадаги билганларим кўл келмоқда. Билмаганларимни эса фаолиятим давомиде ўрганиб бораёпман. Депутат сифатида ҳар ойнинг охири кунларида ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Ёшлар, кексалар, кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказиладиган учрашувларда ҳам бугунги экологик вазият, муаммолар ва уларнинг ечими борасида қилинаётган ишлар ҳақида халқимизни батафсил таништиришга ҳаракат қиламиз. Бунда эса ўз навбатида менинг журналистлигим ҳам ёрдам беради.

– Экология масаласи дейилганда, тан олайлик, ҳалигача кўпчилигимиз хушёр тортадиган

даражада эмасмиз. Ҳар ҳолда, «фалон нарса қиммат бўлиб кетибди» сингари ваҳимали эшитилмайди экология. Аслида мана шу қараш ўзгариши вақти келмадими? Ўзгариш учун нима қилишимиз керак?

– Албатта, ўзгариш вақти нафақат келган, балки охириги чегараларида турибди, десам муболага бўлмайди. Афсус, кўпчилигимизнинг тафаккуримиз собиқ шўролар даврида шаклланган тасаввурлар билан қолиб кетган. Эслаб кўринг, ўша пайтларда ерларни ўзлаштириш зарурати деб, ҳисобсиз сув ресурслари исроф қилинди. Аҳоли яшаш ҳудудларига, йирик шаҳарларнинг марказига саноат корхоналари қурилди. Тонналар ортидан қувиб, одамлар устидан захар-заққум дорилар пуркалди. Оқибат нима бўлди?..

Орол фожиаси, бедаво касалликларнинг кўпайиши, миллат генофонди инқирози... Бу асоратларни ўнглаш учун бугун ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, бой берилган кўп нарсаларни тўлиқ тиклаш имконсиз. Нима демоқчиман? Бугун ҳам бу каби масалаларга шунчаки, енгил қарайдиган кишилар ораимизда йўқ эмас. Гарчи ҳаётнинг ўзи кечаги хатолар оқибатини бизга кўрсатиб турган бўлса ҳам.

Яқинда ижтимоий тармоқларда аянчли бир лавҳага кўзим тушди: бир нечта ёввойисифат одамлар лоззор устида машинада ҳар-хил ман-ёврлар ишлатиб, драйв қилишяпти. Уларнинг қилмишини айтишга сўз топилмайди. Наҳотки, шунчалар ваҳшийлашиб кетяпмиз. Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Аввало, экологик тарбияни оиладан, боғчадан, мактабдан боланинг қулуғига куйиб бориш зарур, худди бир пайтлар, боболаримиз, момоларимиз қилганидек.


“**Ҳар бир болага меҳр бериш керак, табиат бизга душман эмас, балки, бизнинг ҳаётимиз асоси эканини ўргатишимиз шарт ва зарур.**

Ана шундай меҳр ва тарбия оғушида улғайган гўдак, табиатга рақобатчи эмас, балки чин дўст бўлиб вояга етади.

– Экологик маданият ҳақида гапирдингиз. Лекин ўша сиз айтган каби одамлар ҳар қандамда учраяпти. Чеккан сигаретасини кўчага отвораётган, қўлидаги баклажкани шунчаки четга улоқтираётганлар кам эмас. Булар экологик маданиятда қанчалик ортада эканимизни кўрсатади. Депутат сифатида, бу масалага қандай ечим айтган бўлар эдингиз?

– Яна такрорлайман – тарбия! Тасаввур қилинг, кечқурун елим халтадаги чиқиндини чиқинди ташлаш жойига олиб кетаётган бола, эриниб қолса, у ёқ-бу ёққа қарайди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилса, дуч келган жойга улоқтириб қочади. Бизда





**Ushbu QR kodni skaner qiling va «Yashil javon»dan foydalaning!**



← атроф-муҳитга муносабат бировнинг бор-йўқлигига қараб қилинаётгани ачинарли. Қачонки, болаларимиз ҳеч ким йўқлигида ҳам атроф-муҳитга инсоний муносабатда бўлиш даражасига етиб бораркан, қилаётган ишларимиздан натижа бўлади. Бу тарбия, тарбия ва яна тарбия билан боғлиқ. Биз катталар эса нафақат панд-насихатларимиз, аввало ҳатти-ҳаракатларимиз билан ўрнатқилганимиз керак.

Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда доимий равишда чиқинди йиғиш акциялари, плагинлар ўтказиб келяпмиз. Кўплаб ёшлар, экофаоллар иштирок этиб, бу жараёни кенг тарғиб қилмоқда. Бу ҳам ёшларни атроф-муҳитга бефарқ бўлмастикка чақиради, ҳаммани атроф-муҳит тозаллигига чорлайди.

– Албатта, атроф-муҳит тозаллиги учун акциялар, чиқинди йиғиш кампаниялари жуда керак. Лекин фақат шундай жамоатчилик ва волонтерлик ишлари билангина бу муаммони бартараф этиб бўладими? Жиддий ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш, қонунчиликдаги таъсир меъёрларини қайта кўриб чиқиш вақти етмадими?

– Шунини алоҳида таъкидлашим жоиз, фақат акциялар билан катта натижаларга эришамиз, деган фикрдан йироқман. Лекин ҳар қандай акциядан кўзланган муддао – муайян мақсадга қаратилган ҳаракатларни жонлантириш, унга эргашувчилар сафини кенгайтириш. Бугун 10 нафар волонтер чиқса, эртага уларга қизиққанлар, эргашганлар сони 100 тага етади. Қарабсизки, бу ҳаракат оммалашиб боради. Биринчидан, савобга ҳисса қўшаётган, бефарқ бўлмаганлар сони ортади, иккинчидан, ёшларни турли бехуда ишларга чалғишдан асраб қолган бўламиз.

Узоққа бормаёлик, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган «Яшил макон» лойиҳаси қисқа муддатдаёқ умуммиллий ҳаракат тусини олди, десам инкор этмайсиз. Бугун ушбу ҳаракат миллионлаб гектар майдонларнинг яшил тусга киргани ва обод бўлиб бораётганида натижасини кўрсатмоқда. Қонунчиликка келсак, бу борадаги механизмлар тобора такомиллаштирилмоқда, жазо чоралари кучайтирилмоқда. Масалан, охириги пайтларда қурилишда атмосфера ҳавосини ифлослантириш, ер ости табиий ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, дарахтларга зиён етказиш, чиқиндиларни белгиланмаган ҳудудларга ташлаш борасидаги қонунбузарликлар учун жазо чоралари кучайтирилди. Бирок, иккинчи томондан, ҳар қандай чора инсонни жазолашга эмас, балки тарбиялашга хизмат қил-

моғи керак. Шу боис тарбия энг тўғри йўл деган фикрда қоламан.

– Депутатнинг халққа яқинлашиши фақат сайловчи ариза ва шикоятларини тегишли ташкилотларга юбориш билангина чекланмаса керак. Чинакам халқчил депутат бўлиш учун ўз фаолиятингизда нималарга эътибор қаратмоқдасиз?

– Илгари қандай бўлган, билмадим, мен жорий чақириқда депутатликка сайланиб, бугунги депутат учун бу вазифа нечоғли масъулиятли эканини теран ҳис қилдим.



**Биламизки, депутат фаолияти аввало, жамият тараққиётига, халқ фарволигига хизмат қилувчи қонун ҳужжатларини яратишга қаратилди. Шу билан бирга, одамлар ташвиши, жойларда уларнинг кўнгилдагидек ҳаёт кечирishiга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш – фаолиятимизнинг яна бир асосий йўналиши бўлмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг ўзи биз депутатларни идорада узоқ вақт ўтириб қолмай, ҳаммани халқ ичида бўлишга, одамлар оғирини енгил қилиш йўлида астойдил ишлашга ундамоқда. Биз ҳам ана шу даъватга ҳамоҳанг тарзда, доимий равишда ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқдамиз. Юқорида айтганимдек, ҳар ойнинг охириги ҳафта-сида қатъий жадвал асосида ҳудудларга чиқамиз. У ерда аҳолининг турли қатламлари ҳаётини, дарду ташвишларини ўрганамиз. Мулоқотлар

яқуни бўйича, муаммоларни маҳаллий даражада ҳал этишга уринамиз, ҳал бўлмаганлари юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўровлари юбориб, унинг ижросини назорат қилиб борамиз.

Биргина мисол, фракциямиз аъзолари йил бошидан буён ўтказилган ўрганишлар давомида 169 та маҳалла фуқаролар йиғини, 103 та хонадонда бўлишди. 171 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти танқидий-тахлилий тарзда кўриб чиқилди. Сайловчилар томонидан жами 124 та масала кўтарилиб, уларнинг аксарияти ҳал этилди.

– Ботирали ака, бугун давлат учун ҳам, халқ учун ҳам энг долзарб бўлиб турган учта масалани айта оласизми? Уларнинг ечими учун бугун жамиятимизда нималар зарур деб ўйлайсиз?

– Биринчи масала – шубҳасиз, суҳбатимиз бошидан буён гаплашаётганимиз экология масаласи. Бунинг ечимлари юзасидан ўқоридаги саволларингизга берган жавобларимда тўхталиб ўтдим. Бир сўз билан шуни айтмоқчиманки, экологияга бефарқ инсон ўзи ўтирган шохга арра тортаётган одамга ўхшайди.

Иккинчи масала – одоб-ахлоққа доир асрий қадриятлардан тобора узоқлашиб бораётганимиз. Бугун ахборот олиш манбалари кўп ва афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам жамиятга соф, ҳаёли информацияни тақдим этяпти, дея олмаймиз. Интернетда тарқалаётган ва замонавий тилда айтганда «трендга чиқаётган» мавзуларнинг кўпчилиги беҳаёликни, фақшнинг тарғиб қилувчи контентлардир. Аянчли томони шундаки, бу мавзуларга тобора жамиятимизнинг «эти қотиб», қулоғи ўрганиб борапти. Бу муаммонинг ечими бўйича файласуфлар, педагоглар, жамиятшуносалар етарлича бош қотиришаётганига шубҳам йўқ. Бирок менинг назаримда, муаммога қарши ҳаммамиз бир мушт бўлиб курашсакки, ҳар қандай беҳаёликка қатъий туриб, «йўқ» дея олсакки бирон натижага эришамиз. Акс ҳолда, бундай масалалар жамиятда бўлинишни келтириб чиқаради.

Учинчи масала – сунъий интеллектнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётгани. Бу албатта тараққиёт, лекин эртага у келтирадиган ташвишлардан ҳам огоҳ бўлишимиз, вақтида чорасини кўриб қўйишимиз лозим. Масалан, яқин-яқингача сунъий интеллектда фақат расмлар ясаш мумкин бўлган бўлса, эндиликда нейротизим шундай сифатли видеоларни тақдим этмоқдаки, уларни ҳақиқийсидан ажратиш мушкул. Шундай экан, яқин келгусида сунъий интеллект мислсиз фирибгарликларга хизмат қилишига ҳам тайёр туришимиз зарур. Айни пайтда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ҳам зарурий ишлар амалга ошириляпти.

– Қарийб икки йиллик депутатлик фаолиятингиз давомида сайловчилар олдида айтилган қандай мақсадлар амалга ошди? Қолган депутатлик муддати давомида яна қайсыларини рўёбга чиқаришни кўзламоқдасиз?

– Юқорида ҳам айтдим, ҳар ойда сайловчилар билан учрашамиз. Уларнинг мурожаатларини ўрганамиз. Ўтган давр мобайнида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, йўл қурилиши, тиббий хизматни яхшилашга қаратилган қатор масалалар ечимда кўмаклашдик. Қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилдан ҳар бир депутатга ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимига йўналтириш учун салмоқли маблағлар ажратила бошланди.

Бу борадаги биринчи лойиҳани ҳам бошлаб юбордик: Самарқанд вилоятининг Навоий ва Жиззах вилоятлари билан чегарадош энг чекка Қорачаки қишлоғида қарийб 3 километр йўл асфальтланди. Ҳали бу борадаги режаларимиз кўп. Энг муҳими фаолиятимизни юртимизда инсон қадрини учун амалга ошириляётган ислохотлар энг чекка ҳудудларга, ҳар бир хонадонга кириб бориши, ҳар бир юртдошимиз ана шу ислохотлар натижасидан баҳраманд бўлишига қаратамиз.

**Хусниддин БЕРДИЕВ**  
суҳбатлашди.

## Агроэнергетика соҳасида йирик ҳамкорлик

Хитойда ташкил этилган халқаро иқтисодий форум доирасида Ўзбекистон иқтисодиёти учун фойдали бўлган келишувларга эришилди.

Форумнинг В2В мулоқотларида 300 нафардан зиёд тадбиркор иштирок этиб, инвестициявий ҳамкорлик ва қўшма ишлаб чиқариш завождарини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилди. Ўзбекистон Миллий иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси бошқарув кенгаши раҳбариятининг форумдаги чиқишида мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити ва тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ривожига ўрнига тўхтади.



**Шунингдек, ташриф доирасида делегация аъзолари Шанхайдаги «SATAMZ» компаниясининг кўча тозалаш техникалари ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан танишди ҳамда Ўзбекистон, Хитой ва Россия вакиллари ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қатор меморандумлар имзоланди.**

Анжуманнинг энг муҳим натижаси – қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган агроэнергетика лойиҳаси бўлди. 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа ижросига Ўзбекистон Миллий иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси, Ўзбекистон Энергетикалар миллий ассоциацияси ҳамда Шанхайнинг етакчи энергетика марказлари ва компаниялари масъул этиб белгиланди.



➤ O'zbekistonda Migratsiya nazorati xizmati tashkil etiladi va hududlarda migrantlarni tayyorlash markazlari ochiladi.

EKOLOGIYA

## Электрон қурилмалар учун янги талаблар

Бу чиқинди муаммосига қарши курашишга ёрдам бера оладими?

Электрон чиқиндилар ҳажмининг ортиб бориши – глобал экологик муаммога айланган. Айниқса, қисқа муддатда эскирадиган ва тез-тез янгиланадиган смартфонлар жараёнга сезиларли «ҳисса» қўшмоқда. Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи томонидан жорий этилаётган янги талаблар экологик барқарорликни таъминлаш йўлида муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Европа Иттифоқи смартфонлар қандай ишлаб чиқарилиши ва уларнинг хизмат муддати қанча бўлиши кераклиги юзасидан янги қоидаларни жорий этмоқда. Мазкур тартиблар 2025 йил июнь ойидан бошлаб босқичма-босқич кучга кирган бўлиб, 2027 йил февралига келиб тўлиқ амал қила бошлайди. Янги ёндашув қурилмаларнинг мустақамлиги ва таъмирлаш имкониятларини ошириш, бу билан электрон чиқиндиларни камайтиришга қаратилган.

Янги талаблар ишлаб чиқарувчилардан смартфон дизайни ва техник ечимларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Хусусан, қурилмаларда ишлатиладиган батареялар тез эскирмаслиги, эҳтиёт қисмлар узок муддат давомида мавжуд бўлиши ва қурилмаларни махсус ускуналарсиз таъмирлаш имконияти яратилиши лозим.

2027 йилдан бошлаб Европа бозорида сотиладиган смартфонлар фойдаланувчи томонидан мустақил равишда очилиб, оддий воситалар ёрдамида батареяси алмаштириладиган қилиб ишлаб чиқиши шарт бўлади. Бу эса сервис марказларига мурожаат қилиш заруратини камайтиради. Амалдаги тажриба шуни кўрсатадики, кўплаб фойдаланувчилар қурилма носозлиги сабаб эмас, балки батарея қувватини йўқотгани тўғрисида янги телефон сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Янги қоидалар айнан шу муаммони бар-тараф этишга қаратилган.

Регламентга кўра, батареялар камида 800 та заряд циклидан кейин ҳам ўз сиғимининг 80 фоизини сақлаб қолиши керак. Ишлаб чиқарувчилар қурилма бозорга чиқарилганидан кейин камида 10 йил давомида эҳтиёт қисмлар билан таъминлаши лозим.

Асосий компонентлар эса 5-10 иш куни ичида етказиб берилиши талаб этилади. Бундан ташқари, таъмирлаш қўлланмалари очиқ бўлиши, мустақил устахоналарга чеклов қўйилмаслиги ва қурилмалар осон очиладиган қилиб ишлаб чиқиши шарт.

Яна бир муҳим янгилик. Истеъмолчилар учун махсус ахборот ёрлиқлари жорий этилади. Унда қурилманинг батарея самардорлиги, энергия тежамкорлиги, чидамлилиги ва таъмирланиш даражаси ҳақида маълумотлар акс эттирилади. Бу эса харидорларни узок муддат хизмат қиладиган ва экологик жиҳатдан мақбул маҳсулотларни танлашга ундайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу талаблар глобал бозорга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Йирик ишлаб чиқарувчилар, жумладан Apple, Samsung, Xiaomi ва бошқа компаниялар одатда маҳсулотларини турли ҳудудлар учун алоҳида эмас, балки ягона дизайн асосида ишлаб чиқаради. Шу сабабли Европада жорий этилган талаблар бошқа мамлакатлардаги қурилмаларда ҳам акс этиши эҳтимолдан холи эмас.

Аввалроқ Европа Иттифоқининг USB-C портини мажбурий жорий этиш ҳақидаги қарори ҳам глобал миқёсда ўз таъсирини кўрсатган эди. Хусусан, Apple компанияси iPhone 15 моделидан бошлаб ушбу стандартни барча бозорлар учун қўллаб бошлади.

Янги тартиблар истеъмолчилар учун бир қатор ижобий натижалар келтириши кутилмоқда. Жумладан, қурилмаларнинг хизмат муддати узаяди, таъмирлаш харажатлари камаёди ва электрон чиқиндилар ҳажми қисқаради. Шу билан бирга, айрим мурасили жиҳатлар ҳам мавжуд – қурилмалар бироз қалинлашиши ёки айрим техник ечимлар қайта кўриб чиқиши мумкин.

Умуман олганда, Европа Иттифоқининг мазкур ташаббуси ишлаб чиқариш ва истеъмол маданиятини қайта шакллантиришга хизмат қилади. Қурилмаларни узок муддат фойдаланишга мослаштириш, уларни таъмирлаш ва қайта ишлаши имкониятларини кенгайтириш орқали табиий ресурсларга бўлган босим камаёди.

Ирода РАҲМОналиева  
тайёрлади.

➤ Огоҳ бўлинг!

Ер ости сувлари сатҳи

# Пасайиб бормоқда



Глобал иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги ва ёгингарчилик ҳажмининг камайиши каби экологик муаммолар ер ости сувлари захираларига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодиёт тармоқларида сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши мазкур масаланинг янада кучайтирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси йиғилишида ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда ер ости сувлари сатҳи сўнгги йилларда сезиларли равишда пасайиб бормоқда. Бу эса сувдан, айниқса, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишда тежамкорлик ва самардорлик масаласини кун тартибига чиқармоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда соҳани тартибга солишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида ер ости сувларидан фойдаланишни чеклаш, ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш бўйича аниқ механизмлар жорий этилди. Жумладан, сув сатҳи пасайган ҳудудларда янги қудуқлар қазिशга мораторий эълон қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сув ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш ва бурғилаш ускуналарини рақамлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан

бирга, республика бўйича мавжуд қудуқлардан фойдаланиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш, уларга сув ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳамда уларни ягона ахборот тизимига улаш ишларини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, ноқонуний бурғилаш ҳолатлари ва қўлбола ускуналардан фойдаланишнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди. Бу ер ости сувларини асраб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокамалар давомида ер ости сувларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини кучайтириш, барча қудуқларни тўлиқ рўйхатга олиш, «бир қудуқ – бир ID» тамойилини жорий этиш ҳамда ягона электрон база яратиш ишларини изчил давом эттириш бўйича таклифлар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

ФАКТ!

«Яшил» энергия: 3 миллиард кВт соатлик марра забт этилди

Ўзбекистонда йил бошидан буён қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган энергия ҳажми **3 млрд кВт** соатдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **37 фоизга кўп** демакдир.

Бу **807 млн** куб метр табиий газ тежалиши ва **1,7 млн тонна** зарарли чиқиндиларнинг атмосферага чиқишининг олди олинганини аналтади.

Агар барча қайта тикланувчи манбаларни (*ГЭСлар билан бирга*) ҳисобласак, кўрсаткич **4 млрд 650 млн кВт** соатга етди.



**Yong'in xavfsizligi qoidalarini buzganlik uchun mansabdorlarga jazo kuchaytirildi.** Yangi qonun bilan yong'in xavfsizligi qoidalarini buzganlik uchun mansabdor shaxslarga jarimalar oshirildi, inspektorlar vakolati kengaytirildi.

## ЕКОВИЛИМ

# «Тоза маҳалла» – тўғри кимёвий билим ва юксак экологик маданиятдан бошланади

Мактаб даражасида яхши билимга эга инсон экологияга ҳеч қачон зарар етказмайди. Албатта, агар унда экологик маданият кучли бўлса. Нима учун мактаб даражасида деяпмиз? Сабаби, биргина кимё фанини билган одам қандай моддалар табиатга қандай зарар етказиши, қандай чиқиндини қаерга ташлаш мумкин эмаслиги каби оддий тушунчаларни яхши билади. Зотан, кимё фани нафақат лаборатория ва дарсликлар доирасидаги назарий билимлар мажмуи, балки экологик маданиятни шакллантиришда муҳим илмий асос сифатида намоён бўлади.

Бутун ҳаётимизда учрайдиган экологик муаммолар кўп ҳолларда кимёвий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Масалан, ҳаво ифлосланиши атмосферада карбонат ангидрид, олтингурут диоксида ва азот оксидлари миқдорининг ортиши оқибатида юзага келади. Бу моддалар инсон саломатлигига ҳам, табиий муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Сув манбалари ифлосланиши эса кўпинча маиший чиқиндилар, юши воситалари таркибидagi фосфатлар ва бошқа кимёвий бирикмалар таъсирида содир бўлади. Тупроқнинг деградацияси ҳам пестицидлар, оғир металллар ва турли кимёвий чиқиндилар билан боғлиқ ҳолда кечади.

Демак, экологик муаммоларни чуқур англаш ва уларга ечим топиш учун кимё фанини мактаб даражасида билиш ҳам асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Кимё дарслари орқали ўқувчиларда нафақат билим, балки ҳаётий кўникмалар ҳам шаклланади. Энг муҳими, уларда экологик тафаккур ривожланади – яъни инсон фаолияти билан табиатдаги кимёвий жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни англаш қобилияти пайдо бўлади.

Шу билан бирга, ўқувчиларда табиатга нисбатан масъулиятли муносабат шаклланади. Улар зарарли моддалардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни тўғри бошқариш ва атроф-муҳитни асраш зарурлигини англаб етадилар. Амалий машғулотлар эса бу билимларни мустаҳкамлайди. Масалан, оддий филтрация тажрибаси орқали сувни тозалаш жараёнини тушунган ўқувчи бу кўникмани кундалик ҳаётда ҳам қўллай олади.

Экологик маданиятни шакллантириш фақат мактаб билан чекланиб қолмайди. Бу жараён самарали бўлиши учун урта муҳим бўгин – мактаб, маҳалла ва оила ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Чунки мактаб ўқувчиларга назарий ва амалий билим берса, маҳалла ижтимоий муҳит сифатида турли ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Оилада эса кундалик экологик одатлар шаклланади.

Шу ҳамкорлик асосида қуйидаги тадбирларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- экологик шанбаликлар;
- чиқиндиларни саралаш акциялари;
- «яшил худуд» лойиҳалари.

Бу жараёнларда кимё фани илмий асос вазифасини бажаради ва барча фаолиятга мазмун бағишлайди.

Маҳаллаларда экологик маданиятни юксалтириш учун аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан:

- Чиқиндиларни саралаш тизимини жорий этиш;
- экологик хавфсиз маиший кимё воситаларидан фойдаланиш;
- кимёвий моддаларни меъёр асосида ишлатиш ва сақлаш;
- «яшил технологиялар»ни тарғиб қилиш.

Бу каби ёндашувлар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилади, балки аҳоли саломатлигини ҳам мустаҳкамлайди.

Сиз экология ва атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмасангиз албатта фарзандингиз мактабда кимё фанини ўзлаштиришига эътибор қилинг. Чунки бу экологик маданиятни шакллантиришда фундаментал аҳамиятга эга. У орқали инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш мумкин. Айниқса, маҳалла даражасида кимёвий билимларни оммалаштириш орқали экологик муаммоларнинг олдини олиш, соғлом муҳит яратиш ва барқарор ривожланишга эришиш имконияти ортиб боради.

Шу боис, «тоза маҳалла» тушунчаси аввало тўғри кимёвий билим ва юксак экологик маданиятдан бошланади. Агар ҳар бир фуқаро оддий кимёвий билимларни амалда қўллай олса, жамият тараққиёти йўлидаги энг муҳим қадам қўйилган бўлади.

Кимё – бу шунчаки формулалар эмас. У – тоза ҳаво, мусаффо сув ва соғлом ҳаётнинг илмий кафолати. Маҳалладан бошланган экологик маданият эса бутун жамиятни юксалтиришга хизмат қилади.

**Муаттархон АКБАРОВА,**

*Чирчиқ давлат педагогика университети*

*Табиий фанлар факультети кимё кафедраси катта ўқитувчиси*

## Тадқиқот

### Ердаги музликлар хавотирли суръатда

# ҚИСҚАРЯПТИ

Ер музликлари хавотирли суръатларда қисқариб бормоқда. Бу ҳақда Бутунжаҳон музликлар мониторинги хизмати (WGMS) тадқиқотида келтирилган.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилда сайёра музликлари жами 408 гигатонна муз йўқотган. Ўтган йил глобал муз эриши бўйича энг ёмон йиллардан бири бўлган. Йиллик йўқотишлар XX аср охиридаги кўрсаткичлардан тўрт баравар ошиб кетган. Тадқиқот бутун дунё бўйлаб дала ва сунъий йўлдош маълумотларини бирлаштирган. Натижалар шуни кўрсатадики, дунёнинг барча 19 та асосий музли минтақаларида муз йўқотилиши кузатишган.

Энг катта йўқотишлар Канаданинг Британия Колумбияси ва Альп тоғларида қайд этилган. Шунингдек, Исландия, Чили ва Осиёнинг баланд тоғли худудларидаги музликлар ҳам сезиларли даражада эриган. 1975 йилдан

бери Ер музликлари қарийб 10 минг гигатонна муз йўқотган, бу массанинг 80 фоизи минг йилликлар бўсағасида (асрлар алмашган даврда) содир бўлган. Ушбу ҳажм денгиз сатҳини 2,64 сантиметрга кўтариш учун етарли.

Музнинг энг катта йўқотилиши 2023 йилда қайд этилган – 555 гигатонна. Ақтуал ҳолатнинг тескараси сифатида, 1983 йилда муз массасининг рекорд даражада ўсиши (115 гигатонна) кузатишган. Ўша йили дунёнинг барча бурчакларида об-ҳаво ўртача кўрсаткичдан анча совуқ бўлган. Бироқ совуқ тушиши қисқа муддатли бўлиб чиқди ва ҳарорат кўтарилиши ҳамда муз йўқотилишининг узоқ муддатли тенденциясини ўзгартира олмаган.



Олимлар муз эришининг тезлашиши денгиз сатҳи, экотизимлар ва ичимлик сув таъминоти учун каскадли (занжирли) оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқда. Шунингдек, улар яқин йилларда кўплаб музликлар йўқ бўлиб кетишини, бутун бошли минтақалар эса яқин ўн йилликлар ичида ўз муз қопламани йўқотишини прогноз қилмоқда.



## Ўзбек олими янги турларни кашф қилди



Ўзбекистоннинг бетакрор табиати дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган янги-янги турларга бойлиги билан ажралиб туради. Олимлар бугунги кунда илм-фан учун ҳали номаълум янги турларни кашф этаётгани юртимиз ўсимлик оламининг нақадар бой эканидан далолатдир.

«Илмий фаолиятим давомида ўттизга яқин янги турни аниқладим, – дейди ботаник олим, ақдемик Комилжон Тожибоев ЎзАга берган интервьюсида. – Уларнинг айримлари фақат Ўзбекистонда учрайди, айримлари эса бошқа давлатлардан топилди. Энг биринчи кашфиётим Фарғона водийсида топилган янгича лола тури бўлди.

Маҳаллий аҳоли уни «Гулбарра» деб атади. Бу турни аниқлаш жуда ҳам мураккаб бўлди. Маҳаллий аҳоли томонидан айтилган маълумотларга кўра, «Гулбарра» деб аталмиш ўсимлик лолалар туркумига мансуб, бироқ унинг қайси турига тааллуқли?

Бу савол жуда қизиқ эди. Уч йил давомида Тошкентдан Фарғона водийсига – Чуст, Поп адирларига қатнадим.

Биринчи йил унинг гулини чорва еб кетгани ёки бошқа сабаб билан ўсимликни тополмадим. Кейинги йилларда ёрта келган бўлман, ёки гуллаб бўлганида ўсимликни учратаман. Ниҳоят тўртинчи йилда ўсимликнинг табиатда гуллаб турган майдонларини топдим ва илмий тавсифини тайёрладим.

Бу турни эса узоқ йиллар давомида Тошкент ботаника боғида хизмат қилган олим – Асадулло Шариповнинг шарафига «Шарипов лоласи» (*Tulipa scharipovii*) деб номладим. Устоз у пайтлар ҳали ҳаёт эди, бу номни эшитиб, жуда хурсанд бўлган.

Бу лола сариқ рангдаги лолалар гуруҳига киради. Бу гуруҳнинг энг асосий тури Марказий Осиёнинг шимолида – Қозоғистон, ундан ташқари Россия, Мўғулистонда ўсадиган Олтой лоласи (*Tulipa altaica*) ҳисобланган. У сариқ лолалар орасида энг қадимий биологик жиҳатдан асосий тур сифатида қаралган. Биз олиб борган тадқиқотлар Фарғона водийсида топилган «Шарипов лоласи» бу гуруҳдаги энг қадимий тур эканини кўрсатади. Бу янгилик халқаро даражада ҳам тез тарқалиб, Англия, Германия ва Голландиядаги лолашунос олимлар уни муносиб эътироф этишди, ҳатто айримлари Ўзбекистонга келиб, уни ўз кўзлари билан кўришди.

Мен учун энг яқин бўлган кашфиётларимдан бири зирадошлар оиласига мансуб янги туркумни аниқлаш билан боғлиқ. Бу туркум Фарғона водийсидаги Чоркесар ҳавзасининг Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасидаги худудда, 3200 – 3300 метр баландликда топилди. Ўзбекистонда туркум даражасидаги илмий кашфиётлар жуда кам бўлган, менгача бу даражадаги илмий янгиликлар фақат иккита бўлган, шу боис бу учинчи кашфиёт ҳисобланади.

Бу ишда Москва давлат университетидан мутахассисларни ҳам жалб қилдик. Қўшимча тадқиқотлар натижасида мазкур туркум ҳақиқатан ҳам янги экани халқаро журналларда чоп этилди. Илмий номида эса топилган жой – Қурама акс этирилди.

Янги турни халқаро даражада тан олиш қоидалари Халқаро ботаника номенклатураси кодексига аниқ белгиланган. Биринчи муҳим шарт – морфологик тавсиф тайёрлаш. Яъни, турнинг ташқи кўриниши, тузилиши ва бошқа турлардан фарқи батафсил ёзиб чиқилади. Авваллари турнинг тавсифи лотин тилида баён қилинган ва бу мажбурий талаб эди. Кейинчалик тавсифни инглиз тилида тайёрлашга ботаника номенклатураси кодексиди рухсат берди. Бу айрим олимлар учун бироз енгиллик бўлди.

Иккинчи муҳим шарт – янги турнинг гербарий намунаси. Бу «тип намунаси» қайси гербарий фондида сақланаётганини кўрсатиш ҳисобланади. Мен кўпинча «тип намунасини» янги турнинг «биологик паспорти» деб тушунтираман. Бу намуна нуфузли гербарий фондларида сақланиши лозим, бу илмий ишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Шундан кейин барча маълумотлар асосида илмий мақола тайёрланиб, халқаро нуфузли журналларда чоп этилади. Ана шундан кейин янги тур жаҳон илм-фани томонидан тан олинади.

Янги топилган турлардан бири «Шарофиддин пиёзи» деб номланди. Бу пиёздошлар оиласи таркибига кирадиган ёввойи пиёз турларидан бири. Унинг номи ҳамкасблар таклифига кўра отам – Шарофиддин Тожибоев номларига қўйилган. Бу отамнинг Ўзбекистонда ботаника фани ривожига ва таълим соҳасида ҳам узоқ йиллар фаолият олиб борганлари эътирофи сифатида қабул қилиниши тўғри бўларди».

# Миллион йиллик «вақт капсуласи»

## КАШФ ЭТИЛДИ

**«Инсонлар ер юзига келишдан олдин вулқонлар ва иқлим ўзгаришлари натижасида ҳаёт қайта шаклланди». Янги Зеландияда топилган миллион йиллик ғорни ўрганган мутахассислар шундай хулосага келишди.**

**Олимлар катта ғор ичидан 16 турга мансуб фосиллар – яъни қуш қолдиқларини топишди. Улар орасида илгари фанга маълум бўлмаган, учиш қобилиятига эга қадимги тўтиқуш турларидан какапо аждоди ҳам борлиги таъкидланди. Бу топилмалар шуни кўрсатадики, Янги Зеландия экотизими доимий равишда вулқон отилишлари ва кескин иқлим ўзгаришлари сабабли доимий қайта шаклланиб турган. Инсоният ҳали мавжуд бўлмаган даврдан анча олдин ҳам бу ҳудудда йўқолиш ва янгидан пайдо бўлиш жараёнлари шу зайдда содир бўлиб турган. Бу эса табиат тарихининг илгари номаълум бўлган саҳифасини очиб беради.**

Топилмалар 12 турдаги қушлар ва 4 турдаги қурбақаларга тегишли бўлиб, бу Янги Зеландиянинг ўша даврдаги экотизими қандай бўлганини тасаввур қилиш учун ажойиб имконият яратади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Янги Зеландиянинг ёввойи табиати кескин иқлим ўзгаришлари ва кучли вулқон отилишлари таъсири остида сезиларли даражада ўзгарган. Австралиё палеонтология журналида нашр этилган тадқиқотга кўра, бу табиий ҳодисалар инсоният ер юзига бўлишдан илгари, бир неча бор такрорланиш натижасида қирилиб кетиш ва янги турларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Тадқиқот раҳбари, Флиндерс университет доценти Тревор Вортининг айтишича, бу иш мамлакат биологик хилма-хиллигининг илгари номаълум бўлган бир бобини очиб беришини таъкидлайди.

«Бу авифауна – яъни қушлар мажмуасининг Янги Зеландияга хос, илгари номаълум тури бўлиб, у миллион йил ўтгач, инсонлар дуч келган бошқа авифауна билан алмашган.

Ушбу кашфиётнинг ҳайратланарли жиҳати қадимги ўрмонларимиз бир вақтлар жуда

хилма-хил қушлар билан тўла бўлган, аммо улар кейинги миллион йил давомида сақланиб қолмаган».

Флиндерс университети ва Кентербери музейининг палеонтологлари ғор ичидаги фосилларни текширди. Улар билан бирга Окленд университетидан Жозел Бейкер ҳамда Веллингтондаги Викториа университети вулканологи Симон Баркер ҳам тадқиқот ишларини олиб боришган. Жамоанинг фикрича, инсонлар Янги Зеландияга келишдан илгари миллион йил ичида тахминан 33 – 50 фойиз турлар йўқолган.

### ТЕЗКОР ЭКОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Кентербери музейи раҳбари, табиат тарихи бўйича мутахассис Паул Скофилднинг айтишича, тезкор экологик ўзгаришлар бу йўқолишларнинг асосий сабаби бўлган.

«Бу каби қирилиб кетишлар нисбатан кескин содир бўлган иқлим ўзгаришлари ва даҳшатли вулқон отилишлари натижасида содир бўлган. Қазир ишларимиз орқали биз Аотеароанинг

20 – 16 миллион йил олдинги ҳаётига қисқа назар ташлай олдик. Бу янги топилмалар эса 15 миллион йилдан 1 миллион йил олдинги даврни ёритади. Бу Янги Зеландиянинг қадимги тарихидаги йўқолган боб эмас, балки йўқолган бир жилд эди», – дейди доктор Скофилд.

Энг диққатга сазовор топилмалардан бири – янги аниқланган тўтиқуш тури, Стригопс мансуб қуш, яъни ҳозирда камайиб бораётган какапонинг қадимги аждоди. Айни даврдаги какапо оғир ва учмайдиган қуш сифатида маълум бўлса-да, бу қадимги тур учиш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Фосиллар таҳлили унинг оёқлари ҳозирги какапоникига қараганда заифроқ бўлганини кўрсатади. Тадқиқотчилар бу қуш ҳақиқатан ҳам учиш қобилиятига эгаллигини аниқлаш учун қўшимча тадқиқотлар зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек, ғорда такаҳе аждодининг қолдиқлари ҳам топилган. Олимлар учун бу Янги Зеландия машҳур қушининг эволюциясини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Австралия бронза капутарлари

билан яқиндан боғлиқ қирилиб кетган бир тури ҳам топилган.

Скофилднинг айтишича: «Ўрмон ва бутазор ўзгарувчан яшаш жойлари қушлар популяциясининг қайта бошланишига сабаб бўлган. Биз бу жараён Шимолий оролда қушлар ва бошқа мавжудотларнинг эволюцион хилма-хилликни шакллантиришнинг асосий омил бўлган деб ҳисоблаймиз».

Олимлар фосилларнинг ёшини ғор ичидаги икки алоҳида вулқон кул қатламлари орасида сақлангани туфайли аниқлай олишди. Улардан бири тахминан 1,55 миллион йил олдинги вулқон отилишига, иккинчиси эса 1 миллион йил олдинги йирик отилишга тегишли. Кейинги отилиш Шимолий оролнинг катта қисмини кул билан қоплаган бўлиши мумкин. Асосий қисми кейинчалик ювилиб кетган бўлса-да, баъзилари ғор ичида ҳимояланган ҳолда сақланган. Шу билан бирга, эски кул қатламининг мавжудлиги ушбу ғорнинг Шимолий оролдаги энг қадимги маълум ғор эканини кўрсатади.

### ЙЎҚОЛГАН ТАБИЙ БЎЛАК

Профессор Тревор Вортининг айтишича, бу топилма мамлакатнинг ўтмишини тушунишда катта бўшлиқни тўлдирди. Топилмалар Янги Зеландиянинг табиий тарихини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади.

«Бир неча ўн йиллар давомида Янги Зеландия қушларининг йўқолиши асосан инсонлар 750 йил аввал келиши билан боғлиқ деб қаралган. Ушбу тадқиқот эса супервулқонлар ва кескин иқлим ўзгаришлари каби табиий кучлар миллион йил олдин ҳам ёввойи табиатимизнинг ноёб ҳодисаси сифатида шакллантираётганини исботлайди».

Диёра ИБРОҲИМОВА  
тайёрлади.



## ЭКОТИЗИМИНИНГ МУҲИМ ҲАЛҚАСИ

**Қушларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ўсимликларни чанглантриш, уруғларни тарқатиш, зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни қириб, улар миқдорини мувозанатлаштириш каби бир қанча муҳим вазифаларда яққол кўзга ташланади. Шу боис уларни доимий кузатиб ўрганиб бориш, ноёб турларини муҳофаза қилиш, яшаш ва кўпайишлари учун етарли шароитлар яратиш ҳамisha эътиборда бўлиши зарур.**

Борлиқдаги мунтазам тизимда қушлар бажарадиган ҳаётий вазифани бошқа ҳеч бир жонзот ундамайди. Қушлар ҳаётдаги ҳар битта ўзгариш экотизимда турли бузилишлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Дунё миқёсида қушларни ҳимоя қилиш мақсадида 1894 йилда илк бор АКШда 1 апрель – Халқаро қушлар куни деб эълон қилинди. Кейинчалик Европа давлатларида ҳам айна шу кунда қушларни ҳимоячи қилишга қаратилган лойиҳалар амалга оширила бошланди. Бугунги кунга келиб дунёнинг кўплаб давлатларида бу санага катта экологик тадбир сифатида қаралади.

Ўзбекистон фаунасида қушларнинг 19 туркумга оид 440

дан кўпроқ тури маълум. Яшаш жойига биноан бир неча йирик экологик гуруҳлар – ўрмон қушлари, чўл ва дашт қушлари, сувда сузувчи қушлар, ботқоқ ва соҳил қушларига ажратилади. Қушлар ҳаётининг йил фасллари бўйича ўзгаришига биноан учиб кетувчи, кўчиб юрувчи ва ўтроқ қушларга бўлинади.

Қушларнинг табиатдаги эстетик аҳамияти катта, уларнинг сайраши боғ ва хиёбонларни жонлантриради, инсонда эстетик завқ ҳиссини уйғотади. Аммо бугунги кунда қушларнинг турлари тобора камайиб бормоқда. XVII аср бошларидан буён юзга яқин қушлар тури қирилиб кетган. Ҳозирда эса, яна бир қанча

турлари йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Эндиликда бутун дунё мамлакатларида қушлар муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ноёб ва қирилиб кетиш хавфи остидаги турларни сақлаб қолиш мақсадида халқаро миқёсда ва мамлакатларда Қизил китоблар яратилган.

Business and Science университетида Халқаро қушлар куни муносабати билан ўтказилган экологик лойиҳада қушларнинг экотизимни янада барқарорлаштиришдаги аҳамияти талаба-ёшларга тушунтириб берилди. Бундай лойиҳаларнинг кўплаб ташкил этилиши ёш авлодни Ватанга, табиатга ва атроф табиий муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот оламига муносабатини тўғри шакллантириш ҳамда экологик маданиятини юксалтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фарҳод АЛИМЖОНОВ



**O'zbekistonda qishloq xo'jaligi yerlarini ajratishda mahalliy dehqon va tadbirkorlarga ustuvorlik beriladi,** shuningdek, xorijiy investorlar bu turdagi yerlarini ijaraga olishda kamida \$ 10 mln investitsiya kiritishi shart etib belgilanadi.



**Namanganda an'anaviy xalqaro gullar festivali doirasida yana bir muhim tashabbusga start berildi.** Bu yilgi 65-xalqaro festival arafasida «Jamo'a bo'lib bir oy davomida eng ko'p ekilgan gullar» yo'nalishida Guinness World Records rekordini o'rnatish jarayoni boshlandi.

## TO'RTINCHI HOKIMIYAT

Замон шиддат билан илгариламоқда. Кечагина ахборотни газета саҳифалари ёки эфир орқали қабул қилган жамият бугун уни бир вақтнинг ўзида видео, аудио, инфографика ва турли рақамли платформалар орқали истеъмол қилмоқда. Ахборот майдони кенгайди, имкониятлар ортди. Аммо бу кенгайиш ўз-ўзидан янги бир масъулиятни, тезлик ортидан қуввиш жараёнида ишончлиликни йўқотмасликни ҳам талаб қилади.

Ҳалим САИДОВ,  
ЎзЖОКУ профессори, филология фанлари доктори



## Амалиёт илмга асосланса

# САМАРА БЕРАДИ

Бугун ахборот нафақат тез, балки хилма-хилдир. Ана шу шароитда ҳақиқатни сақлаб қолиш, ҳолис-ликни таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланмоқда. Ҳолбуки, ишонч йўқолган жойда ахборот қиймати ҳам пасаяди.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Касаба уюшмалари наشرлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусидаги илмий-амалий халқаро конференция айнан шу масалаларга жиддий эътибор қаратди. Анжуман нафақат муаммоларни кўтарди, балки ечим ва таклифларга бой мулоқот майдонига айланди. Бу ерда матбуот трансформацияси, ахборот муҳитининг бугунги ҳолати, унинг эртанги йўналишлари, таҳлил зарурати каби замонавий журналистиканинг масъулияти кенг муҳокама қилинди.



**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳам ана шу ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб тобланмоқда. Улар фақат ахборот тарқатувчи эмас, балки меҳнаткаш инсоннинг дарди, ҳуқуқи ва орзу-интилишларини жамиятга етказувчи муҳим минбар сифатида шаклланмоқда.**

Бу наشرлар саҳифаларида инсон қадри, меҳнат шаъни ва адолат масалалари ўз аксини топмоқда.

Энг муҳими, газета тушунчаси энди фақат қоғоз билан чекланмасдан унинг веб-сайт, Telegram, YouTube, Instagram каби рақамли платформалар билан уйғунлашиб, жонли ва динамик медиа муҳитга айланмоқда. Фото ва видеоконтент, тезкор мулоқот, интерактив ёндашув каби наشرнинг барчаси бугунги журналистиканинг ажралмас қисмига айланди.

Шу маънода, мазкур конференция фақат бир тадбир эмас, балки янги босқичга ўтишдаги муҳим қадам бўлди. У тажриба алмашиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва келгуси вазифаларни белгилаб олишда ўзига хос йўл харитасини тақдим этди.

Бизда, яъни журналистика соҳасида анча вақт илм олами ва амалиётчилар орасида узилиш бўлиб қолгани сир эмас. Ушбу конференция ана шу узилишни тиклади. Гап матбуотнинг конвергенцияси ҳақида кетар экан, бош муҳаррирларни бу каби илмий конференцияларга, қолаверса, илмга тортишимиз зарурлиги англашилди. Чунки илмни хурмат қилмаган бош муҳаррир бундай ўзгаришларни қилолмайди.

Конференциянинг дастлабки қисмида чиқишлар қилган муассис ва бошқа ОАВга дахлдор раҳбарларнинг чиқишлари алоҳида эътирофга лойиқ. Илмий қисмида эса бугун кўпгина босма наشرлар фаолиятида кузатилаётган муаммолар, тахририятларнинг асосий молиявий манбаси бўлган обуна ва реклама билан боғлиқ масалалар бўйича замонавий ёндашувлар тадқиқотчи олимлар томонидан атрофлича таҳлил қилиб берилди. Маъруза билан иштирок этган тадқиқотчилар анжумандаги бош мавзунинг турли жиҳатларини очиб беришди.

Эътироф этиш керак, «Ishonch» газетаси тахририяти илмга асосланган фаолият юритмоқда. Шунинг учун ҳам унинг бугунги иш кўлами замонга мослашиш нуктаи назаридан тўғри кетмоқда. Кундан-кунга янги тенденциялар пайдо бўлади, янгича

талаблар келиб чиқади. Бунда, албатта, илм аҳли билан ҳамкорликда иш тутган, назария ва амалиётни уйғунлаштирган тахририятлар ютади. Демак, бундай анжуманлар ва ҳамкорлик бардавом бўлиши фақат фойдалидир.

Хусусан, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, тадқиқотчи Ҳамида Мирсултонова дунёдаги интернет фойдаланувчиларининг 93,8 фоизи ҳар доим ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини таъкидларкан, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларига шахсий янгиликлари билан бирга, жамият ҳаётига дахлдор хабарларни ҳам юқлаб боришлари, мазкур тенденция аънавий ОАВ аудиториясини қисқартираётгани, шундай экан ОАВ рақобатбардош бўлиш учун электрон шаклга ўтиш билан бирга, ижтимоий тармоқларда ҳам ўз платформаларини яратиши зарурлигини ўз тадқиқотлари ва халқаро тажрибалар асосида исботлаб берди.

Тадқиқотчи Маҳфират Худойбердиева постжурналистика, яъни «Ҳақиқий, тоза ахборот беришдан кўра, ҳиссиётлар уйғотувчи, манипуляция қилувчи, чақириклар ва лайкбозликка, аудитория диққатини жалб қилишга қаратилган медиа маконда қайси йўлдан борган маъқул?» деган муҳим масалани ўртага ташлади ва унга касаба уюшмалари наشري ривожлантириш нуктаи назаридан бир қатор таклифлари аҳамиятли бўлдики, ундан бошқа ихтисослашган наشرлар ҳам унумли фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқотчи олим ахборотни шунчаки тарқатиш эмас, балки визуал контент (видео, инфографика) орқали таъсир ўтказиш, датажурналистикадан фойдаланиб, ишчиларнинг аҳволини рақамлар ва қиёсий таҳлиллар билан исботлаш, тезкор муносабат тизимини йўлга қўйиш лозимлиги, бунинг учун касаба уюшмалари постжурналистикани фақат «хавф» деб эмас, балки кенг омма билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун қудратли қурол сифатида қабул қилишлари зарурлигини айтиб, Германияда касаба уюшмалари аънавий босма наشرлардан воз кечмаган ҳолда, постжурналистик трендларни ўз фаолиятига муваффақиятли татбиқ этганлигини мисолларда кўрсатиб берди. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (ЎзЖОКУ) ўқитувчиси Мукаррам Отамуродова «Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини таҳлил қилар экан, ҳар бир ижтимоий тармоқ учун алоҳида ривожланиш стратегияси тузилиши заруратини асослаб берди.

Ўзбекистон давлат тиллари университети Халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси Аъзамжон Дадахонов чиқиши ҳам маҳаллий ва халқаро тажрибаларга асосланди:

– Медиа конвергенция шароитида тахририятга маблағлар реклама, обуна, фреимиум, ҳомийлик рекламаси ва платформаларо ҳамкорлик йўллари орқали келади. Турли монетизация моделлари

шаклланиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда. Улар орасида энг кенг тарқалгани реклама моделидир. Бунда медиа компаниялари аудиториясини реклама билан боғлаб, рекламачилар учун кўриниш жойларини соғлади. Рекламадаги асосий даромад механикаси – тарғиботчи маҳсулоти ёки хизматлари акс этган баннер, видео ёки матнли жойлар учун тўлов олиш. Телерадио каналларида, интернет-сайтларда, ижтимоий тармоқларда реклама баннерлари, ҳомийлик контенти ва видеореклама шаклида бўлади. Бу моделнинг афзалликлари: катта аудиторияга эга платформаларда юқори даромад; рекламалар турли форматларда чиқиши мумкинлиги; фойдаланувчидан тўлов талаб қилинмаслиги кабилардир. Масалан, онлайн наشرлар Google Ad Manager ёки маҳаллий DSP платформаларига уланиш, мақсадли аудиторияни аниқлаш, баннер ва видео резерв элементларини яратиш орқали бошлашлари мумкин. Ўзбекистон мисолида (2018 йилдаги панел) маълумотларига кўра, интернет-наشرларнинг асосий даромади ханузгача рекламадан келади, – дейди тадқиқотчи.

Бугун иқтисодий ривожланишни истайдиган тахририятлар учун айна мударра эмасми, олим айтган бу фикрлар?!

ЎзЖОКУ тадқиқотчиси Соҳиба Муллаева контент яратиш ва узатишда аънавийлик ҳали устунлик қилаётганини таъкидларкан, муҳбирларнинг «матн+видео+фото» форматида иш олиб боришлари, бироқ шу учта форматни ҳам бирдек ва бир вақтда ўзи қила оладиган конвергент ходимлар камчиликни ташкил қилишини, уларнинг сафини кенгайтиришга фақатгина кадрлар малакасини ошириш, назария ва амалиётни уйғунлаштириш орқали эришиш мумкинлигини асослади.

Тадқиқотчи Эътибор Атақулова эса полемик (баҳс-мунозарали) мавзуларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ҳақида маъруза қилди. Фақат ахборот тарқатишга ружу қўймасдан полемик мақола ҳамда контентларни кўпайтириш, бунда журналистларнинг тўғри ҳамда профессионал ёндашуви таъсирида жамоатчилик орасида бир-бирини хурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён этиш, ўзгалар фикрига тоқатли бўлиш каби хусусиятларни ҳам ривожлантириш заруратини «Ishonch» газетасида эълон қилинган полемик мақолалар мисолида асослади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ахборот оқими жаддалашган, аудитория талаби ўзгарган шароитда фақат аънавий усулларга суяниш етарли бўлмай қолмоқда. Конвергенция, рақамли платформалардан самарали фойдаланиш, контентни визуал ва интерактив шаклларда тақдим этиш замон талаби сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги медиа муҳитида муваффақиятга эришиш учун тезкорликнинг ўзи етарли эмас ва у албатта илмий ёндашув, таҳлил ва пухта стратегия билан уйғунлашиши шарт. Илмий тадқиқотлар асосида иш юритган тахририятларгина ўзгаришларга мослаша олади, рақобатда устунликка эришади ва аудитория ишончини сақлаб қолади. Шу жиҳатдан, бундай конференция каби мулоқот майдонлари нафақат фикр алмашиш, балки келгуси ривожланиш йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Демак, замонавий журналистиканинг келажаги – илмга таянган амалиётда, инновацион ёндашувда ва аудитория билан очик, ишончли мулоқотни таъминлашдадир.



» Rossiyadan ota-ona qaramog'isiz qolgan 6 nafar voyaga yetmagan bola O'zbekistonga qaytarildi. Ular oilalari bag'riga topshirildi.

## BUGUNNING GAPI

# АРЗОН ДОФАМИН ТУЗОҒИ

**ёхуд ижтимоий тармоқлар бизни қандай маҳв этмоқда?**

Кўпчилик ўзини дангасаликда, иродасизликда ёки ҳаётда аниқ мақсади йўқликда айблаётди. Аммо асл ҳақиқат сиз ўйлагандан кўра анча чуқурроқ ва мураккаб: сиз «синганингиз» йўқ, шунчаки миянгиизнинг мукофот тизими ўғирланган ва сиз буни пайқаймайдиган қолгансиз. Бугунги дунёнинг чексиз ахборот оқими ва тезкор кўнгилочар воситалари бизни нафақат вақтимиздан, балки яшашга бўлган ҳақиқий иштиёқимиздан ҳам маҳрум этмоқда.

Аксариятимиз «бирровга» Instagram'га кириш ёки TikTok лентасини айлантириш истагида телефонимизни қўлга оламиз, беихтиёр соатлаб вақтимизни беҳуда сарфлаб юборганимизни билмай ҳам қоламиз. Кўзимизни очишимиз билан кашанда тамакисини қидиргандек, митти қора қутимизни қидирамиз. Унинг экранига тикилиб, тун ярим кечадан ўтганини ҳам сезмаймиз. Ҳатто бу ҳолат тонггача давом этади баъзан.

Эндигина 7-8 ойлик чақалоқларимиз ҳам бу тузоққа алақачон илинган десам ишонасизми? Бу шунчаки одат эмас, балки юқори технологиялар ва нейробиологиянинг ўзаро тил бириктируви натижасида юзага келган «арзон дофамин» тузоғи эканини эса билмасангиз ҳам керак. Агар билганингизда ҳеч бўлмаса митти фарзандингизни ундан узоқроқ сақлаган бўлардингиз.



### ЭНДИ СИЗГА ОДДИЙ ҚУВОНЧЛАР ЕТАРЛИ ЭМАС

Инсонни ҳаракатга келтирувчи, янги марраларга ундовчи асосий куч – дофамин нейромедиатори. У бизни мақсад сари етакловчи ўзига хос «ёнилғи» вазифасини ўтайди. Табиат қонуниятига кўра, дофамин мураккаб меҳнат, билим эгаллаш ёки заҳматли изланишлар эвазига берилиши керак эди. Бироқ замонавий дунёдаги чексиз контент, тайёр овқатлар ва осон ўйин-кулгилар мияни дофамин билан ҳаддан ташқари тўйинтириб юборди.

Оқибат нима бўлади? Мия бу ташқи босимга дош бера олмай, ўзини ҳимоя қилиш учун завқ олиш даражасини пасайтириб қўяди. Энди сизга оддий қувончлар – бир пиёла чай устидаги самимий суҳбат ёки тинч мутолаа етарли бўлмай қолди. Мия дофаминни арзон ва осон олишга ўргангач, юксак мақсадлар учун зарур бўлган машаққатдан қочадиган бўлиб қолади. Бу эса ижодий ва интеллектуал фаолликнинг сўнишига олиб келувчи энг қисқа йўлдир.

Бу рақамли «иқтисодиёт» психологиядаги «ўзгарувчан мукофот» тамойили асосида қурилган. Сиз ижтимоий тармоқ лентасини айлантираётганда кейинги постнинг қизиқ бўлишига кафолат йўқ, аммо «балки ҳозир чиқар» деган сохта умид сизни соатлаб экранга «михлаб» қўяди. Бу – қиморбозликнинг замонавий ва хавфли кўринишидан бошқа нарса эмас.

### РАҚАМЛИ ДУНЁНИНГ ХАВФЛИ ТОМОНИ

**1. Рақамли депрессия:** тадқиқотларга кўра, кунига уч соатдан ортиқ вақтини ижтимоий тармоқда ўтказадиган ўсмирларда руҳий тушқунлик ва хавотир ҳисси 27 фоизга юқори бўлади.

**2. Дикқатнинг парчаланishi:** қисқа видеолар (reels, shorts) мияни маълумотни чуқур қайта ишлашдан тўсди. Натижада, одам узоқроқ матн ўқиш ёки мураккаб вазифага диққат қаратиш қобилиятини аста-секинлик билан бутунлай йўқотади.

**3. Эмоционал солиштириш:** ижтимоий тармоқлар – бу бошқалар ҳаётининг «кўргазмали витринаси». Инсон ўз ҳаётининг паст-баландларини бошқаларнинг идеаллаштирилган фотосуратлари билан солиштириши оқибатида ўзига бўлган ишонч пасайиб кетади.

**4. Когнитив чарчоқ:** мия доимий равишда келаётган майда маълумотларни саралашга мажбур бўлади. Бу «қарор қабул қилиш чарчоғи»ни келтириб чиқаради ва ҳақиқий ҳаётдаги муҳим масалаларга қувват қолмайди.

### ЗЕРИКИШ – ИЖОДНИНГ ДЕБОЧАСИ

Илгари одамлар зерикишдан қўрқмаган, чунки зерикишдан кейин ҳақиқий ҳаракат бошланарди. Инсон нимадир қилишга – ўйлашга, яратишга, изланишга мажбур бўларди.

Зерикиш мияни янги стимуллар қидиришга ундар эди. Бугун эса биз зерикишга умуман имкон бермаяпмиз.

Ҳар бир бўш сонияни телефон билан тўлдириш орқали мияга «ҳаракат қилишнинг ҳожати йўқ, мукофот шундоқ ҳам келади», деган хато сигнални бераяпмиз.

Шу сабабли, бу тузоқдан чиқиш учун қатъий «дофамин парҳези» зарур. Бунинг учун – бемаъни контентларга тикилаверишни тўхтатиб, қаттиқ зерикиш керак. Бу жараён бошида оғриқли ва қийин кечиши мумкин, бироқ айнан мана шу «сукунат» жараёнида мия ўз табиий сезгирлигини қайтадан тиклай бошлайди.

### КЕЛАЖАКНИ БОЙ БЕРМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Етти ойликдан етти ёшгача бўлган боланинг мияси худди губка каби ахборотни шимиб олади ва нейронлар ўртасидаги алоқалар мана шу йилларда шаклланади. Арзон дофамин тузоғи бу ёшдаги болалар учун нафақат зарарли, балки уларнинг келажақдаги шахсиятини «дастурлаб» қўювчи кўринмас хавфдир.

Бу ерда энг асосий ва қўрқинчли жиҳатлар қуйидагилар:

**1. Мия ривожланишининг «тўхтаб» қолиши**  
Кичик ёшдаги болалар дунёни бешта сезги аъзоси (ушлаб кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эшитиш ва кўриш) орқали англайди. Экран эса фақат иккита сезгини (кўриш ва эшитиш) сунъий равишда зўриқтиради. Натижада, миянинг мотор когнитив функциялари ва мантқиқий фикрлаш қисми ривожланишдан орқада қолади. Бу тиббиётда «рақамли аутизм» белгиларига ўхшаш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

**2. Ирода ва сабр марказининг ишдан чиқиши**

Миянинг пешона қисми (префронтал кортекс) ирода, ўзини тийиш ва режалаштириш учун жавобгар. Бола тайёр ва ранг-баранг контентни (мультифильм, қисқа видео) кўрганда,

дофамин ҳеч қандай ҳаракатсиз, текинга келади. Оқибатда, бола келажақда бирор нарсага эришиш учун меҳнат қилиш, кутиш ва сабр қилиш қобилиятини йўқотади. Унга ҳамма нарса экрандаги каби тез ва осон керак бўлади.

**3. Нутқ ва ижтимоий кўникмалар инқирози**  
Бола етти ёшгача бўлган даврда тирик мулоқот орқали тил ўрганиши, одамларнинг юз ифодаларини (эмоцияларни) ўқишни ўрганиши шарт. Экран билан «мулоқот» қиладиган болаларда нутқ кечикиши ва одамлар билан тил топишида қийинчиликлар кузатилади. Улар виртуал дунёдаги тезликка ўрганиб қолгани учун, тирик одамларнинг гаплари уларга «зерикарли» ва суст туюла бошлайди.

**4. Эмоционал беқарорлик ва «экран вабоси»**  
Экрандан олинган кучли дофамин оқими бола миясини доимий кўзгаллаш ҳолатида ушлаб туради. Телефон олиб қўйилганда боланинг ваҳожат билан йиғлаши ёки тажовузкор бўлиб қолиши – бу оддий «инжиқлик» эмас, балки миянинг «доза» талаб қилишидир. 7 ёшгача бўлган болада ҳиссиётларни бошқариш механизми ҳали шаклланмаган бўлади, шу сабабли арзон дофамин унинг асаб тизимини бутунлай издан чиқаради.

Агар етти ёшгача бўлган бола мунтазам равишда гаджетлар билан вақт ўтказса, унинг мияси «тайёр ечимларга» мослашади. Бундай болаларда ижодий тафаккур, мустақил фикрлаш ва қийинчиликларни енгиб ўтиш қобилияти жуда паст бўлади.

Биз уларга телефон бериш орқали фақат вақтинчалик тинчликни сотиб оламиз, аммо эвазига уларнинг интеллектуал келажагини тўлов сифатида бериб юборамиз.

### ТУЗОҚДАН ҚАНДАЙ ЧИҚИШ МУМКИН?

Арзон дофаминга қарши энг самарали қурол – бу «Дофамин детокси» ва онгли ёндашув.

«Суръатни пасайтириш»: билдиришномаларни ўчириб қўйинг. Мияни ташқи сигнал эмас, фақат сизнинг иродангиз бошқарсин.

Мураккаб дофаминга ўтиш: китоб ўқиш, спорт билан шуғулланиш ёки янги тил ўрганиш ҳам дофамин беради. Бироқ бу мукофот меҳнат эвазига келади ва узоқ давом этади.

Экран вақтига чеклов: телефондан фойдаланиш вақтини назорат қилувчи иловалар орқали ўзингизга қатъий лимит белгиланг.

### ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУСТАҚИЛЛИК САРИ

Бугунги маориф нафақат дарсликларда, балки рақамли гигиенада ҳам намоён бўлиши шарт. Диққат – бу XXI асрнинг энг қимматли валютаси. Кимки ўз диққатини жиловлай олса, уша интеллектуал мустақилликка эришади.

Хулоса ўрнида айтганда, рақамли тузоқлардан омон чиқиш, бебаҳо вақтимизни ва фикримизни беҳуда совирмаслик ҳар биримиз учун ҳам инсоний масъулиятдир. Зотан, фақат уйғоқ тафаккур ва озоқ руҳига буюк ишларни яратишга қодир. Экран қаршисидаги киши ҳар гал бир соволни ўзига бериши лозим: мен технологиядан фойдаланаяпманми ёки технология мендан фойдаланаяптими? Масаланинг асл моҳияти мана шунда.

Саида ИБОДИНОВА,  
«Oila va TABIAT» мухбири



O'zbekistonda sovuq qurolni olib yurish bilan bog'liq huquqbuzarlikni bir yil davomida takroran sodir etganlik uchun **10 BHM (4,12 mln so'm)gacha jarima yoki 15 sutkagacha ma'muriy qamoq jazosi qo'llanadi. Ma'muriy javobgarlik kodeksiga tegishli o'zgartirishlar kiritildi.**

## ONA SAYYORA

Боланинг тасавури соф ойна. Унда борлиқ қандай бўлса, шундай акс этади. Яқинда юртимиз бўйлаб ўтказилган «Табиат болалар нигоҳида» республика расмлар танловининг якунлари бизни ана шу ойнага боқишга мажбур қилди. Аслида, мақсадимиз жажжи ижодкорлар қалбидаги гўзалликни кўриш, уларни табиатга меҳр руҳида тарбиялаш эди.

# Табиат болалар НИГОҲИДА



Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги қарори билан «Эко-маданият» умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тасдиқланган. Жумладан, экологик маданият, таълим-тарбия ва тарғиботни кучайтириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасининг 9-бандига мувофиқ «Табиат болалар нигоҳида» номи республика расмлар танловини ўтказиш ишлари якунланди. Мазкур танлов болалар онгидида табиатга меҳр уйғотиш, атроф-муҳитни асраш ғояларини сингдириш ҳамда уларнинг ижодий қарашларини намоён этишга хизмат қилади.

Танловга тақдим этилган расмларни кузатган инсон борки, бир зум бўлса-да қалбини чуқур изтироб ва ўй босди. Биз бо-

лалардан мусаффо осмон, ям-яшил боғлар ва беғубор гуллар тасвирини кутган эдик. Аммо оқ қоғозлардаги манзара мутлақо бошқача бўлиб чиқди...

Кўплаб ижодий ишларда дарахтларнинг кесилиши, табиатнинг зарарланиши, атроф-муҳитга нисбатан бепарволик ҳолатлари акс этган. Энг ачинарлиси, бундай манзаралар ҳатто боғча ёшидаги болалар расмларида ҳам учраётганидир.

Беихтиёр савол туғилади: нега болалар табиатни айнан шундай тасаввур қиляпти? Нега уларнинг тасаввурларида табиат гўзаллик эмас, балки вайрон бўлаётган муҳит сифатида акс этмоқда? Бунга ким айбдор?

Мен болаларга савол бердим:  
– Нега шундай расм чиздинг? Изоҳлаб бера оласанми?

Уларнинг жавоблари эса жуда оддий, аммо ўта аччиқ ҳақиқатни очиб берди:

«Ахир ҳамма жойда дарахтлар кесилиб, ўрнига қурилишлар қилиняпти-ку...»

«Заводлардан тутун чиқади...»

«Шаҳар марказларида жудаям кўп чиқиндилар сочилиб ётибди...»

«Ҳайвонлар йўқолиб кетяпти, ҳатто зоопаркда ҳам кўрмаймиз...»

«Ўрмонларимиз йўқ...»

«Тоғларга чиқсак, одамлар чиқиндиларни ташлаб кетишади...»

«Пластик идишлар ҳайвонларни нобуд қиляпти, ариқлардаги сувлар баклажкаларга тўла...»


Болалар – катталар фаолиятининг кўзгуси. Улар атрофда кўрганини, эшитганини ва ҳис қилганини қоғозга туширади. Демак, табиатга бўлган бу каби муносабат, аввало, жамиятдаги умумий қараш ва амалий ҳолатнинг инъикосидир.

Она табиатни келажак авлодга бутун ва соғлом ҳолда етказиш – бу бизнинг, катталарнинг энг муҳим вазифамиз. Агар бугун болалар табиатни шикастлаётган, аёвсиз муносабат кўрбони сифатида тасвирлаётган бўлса, демак, биз ниманидир тўғри қилмаяпмиз.

Бу бефарқ бўладиган масала эмас. Аксинча, ҳар биримизни яна бир бор ўйлантириши, табиатга муносабатимизни қайта кўриб чиқишга ундаши лозим. Она табиат – барчамизники. Уни асраш, авайлаш ва келажак авлодга гўзал ҳолда етказиш нафақат бурч, балки инсонийлик мезонидир.

**Гулноза ТЎХТАСИНОВА,**

Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси матбуот котиби



## Ернинг оҳу зорини

# ЭШИТЯПМИЗМИ?

22 апрель – Халқаро Ерни муҳофаза қилиш куни. Бу сана шунчаки тақвимдаги навбатдаги байрам эмас, балки инсониятнинг ўз уйи – сайёрамиз олдидаги қарзини эслатадиган муҳим кун. Учтепа туманидаги 238-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган «Агар мен Ер бўлсам...» мавзусидаги ижодий танловни кузатар эканман, ёшларнинг она табиатга бўлган муносабати мени чуқур мушоҳадага чорлади.

Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган видеороликлар ва саҳна кўринишларида биз катталар баъзан эътибор бермайдиган, аммо эртанги кунимизни белгилайдиган аччиқ ҳақиқатлар акс этди. «Агар мен Ер бўлсам...» деган шартли савол замирида болалар сайёрамизнинг оғриқларини, сувнинг ҳар бир қатраси қадрини ва биттагина дарахтнинг кесилиши бутун бир экотизимга қандай таъсир қилишини бадиий маҳорат билан ифодалаб беришди.

Бугун экологик маданият ҳақида кўп гапиряпмиз. Бироқ ҳақиқий маданият – бу китобдаги қуруқ назария эмас, балки фарзандларимиз-

нинг табиатга бўлган самимий меҳрида. Мактаб саҳнасида Ер тилидан гапирган ўқувчиларнинг чиқишлари шуни кўрсатдики, ёш авлод глобал иситиш, атроф-муҳит ифлосланиши ва инсоний бепарварликнинг оқибатларини биздан кўра тереңроқ ҳис қилмоқда.

Биз бугунги давр вакиллари, табиатни асраш борасида фақат қарорлар қабул қилиш ёки лойиҳалар тузиш билан чекланмаслигимиз керак. Асосий мақсадимиз ҳар бир маҳалла, ҳар бир таълим даргоҳида экологик тарбияни маънавий эҳтиёжга айлантиришдир. Зеро, табиатни севиш ва уни асраш Ватанни севишнинг энг олий кўринишидир.

Танловда ўз ижоди билан катталарни сергакликка чорлаган мурғак қалбларнинг интилишини кўриб, келажакка бўлган ишончимиз ортади. Ер – бизнинг ягона ва муқаддас уйимиз. Уни асраш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, виждон ишимиз.

**Кимё АБДУЛЛАЕВА,**

ҳалқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутати

➔ ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

# «Олтин қалам» XX Миллий мукофоти учун Халқаро танлов

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, миллий контентни бойитиш, юртимизда инсон кадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XX Миллий мукофоти учун халқаро танловини эълон қилади.



**Асосий мукофотлар:**  
Битта Бош миллий мукофот

Телевидение йўналиши бўйича  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);  
Радио йўналиши бўйича  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);  
Босма нашрлар йўналиши бўйича  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);  
Интернет нашрлари йўналиши бўйича  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича).

Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинация жорий этилади. Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари бўйича қўшимча эълон берилди.

Танлов ғолиб ва совриндорларига:

Танлов Бош миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва енгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2025 йил 22 апрелдан 2026 йил 22 апрелгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевиденида эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари кўриб чиқилади.

Агар ижодий жамоа – газета тахририяти танловда қатна-

шадиган бўлса, газетанинг 5 тадан 7 тагача сони, теле ёки радиоканал жамоаси танловда иштирок этадиган бўлса, 5 тадан 7 тагача энг яхши кўрсатув ёки энг яхши эшиттиришнинг электрон варианты (ёхуд ҳавола) илова қилинади.

«2025 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун» рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир донна тақдим этади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорт ёки ID-карта нусхаси, телефон рақами.

Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорт ёки ID-карта нусхаси.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йил 22 майга қадар қабул қилинади.

Матбуот йўналиши бўйича ижодий ишлар газета ёки журналда эълон қилинган материалларнинг нусхаси (pdf форматда); интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳавола (линк, ссылкаси) кўрсатилган холда;

телевидение бўйича видеоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача телеграм форматда (аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

радио йўналиши бўйича аудиоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача, аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

Рағбатлантирувчи номинация – фотожурналистика бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан) Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг info@jurnalistlar.uz электрон манзилига ҳамда Telegram мессенжеридан +99870-484-71-79 телефон рақамига очилган (OLTIN QALAM 2026) саҳифага юборилиши сўралади.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловининг ғолиб ва совриндорлари 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали равишда тақдирланади.

**Мурожаат учун телефонлар:  
71 244-37-87, 71-244-64-62.**

## «Менинг bog'im»

Доирасида овоз бериш жараёни бошланди

Овоз бериш босқичи  
30 апрелга қадар ўтказилади.

Лойиҳаларга қуйидаги:

1. «Ochiq budjet» порталining веб-саҳифаси;

2. Телеграмдаги расмий бот ёрдамида овоз беришингиз мумкин.



«Яшил» келажак –  
ўз қўлимизда!

➔ Жамоатчилик назорати

## Шағал қазиб олишда экологик талабларга риоя этиляптими?



Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш кўламининг кенгайиши натижасида норуда материалларга бўлган эҳтиёж кескин ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида дарё ўзанлари, соҳилбўйи минтақалари ҳамда сувни муҳофаза қилиш зоналарида қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Мазкур ҳолатларнинг экологик талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, Сурхондарё вилоят партия ташкилоти томонидан жамоатчилик тадбирлари ўтказилмоқда. Шу доирада Термиз шаҳри ҳудудидан дарё ўзанларидан қум-шағал қазиб олиш бўйича мораторийга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик мониторингинг ўтказилди.

Мониторинг Термиз шаҳрининг Гулистон маҳалласи ҳудудидан ўтказилиб, унда Ўзбекистон Экологик партияси Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳар ва Термиз туман партия ташкилотлари раислари, Сурхондарё вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси мутахассислари, ННТ Миллий ассоциациясининг вилоят ҳудудий бўлини маси вакиллари ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Термиз сув йўллари техник участкаси» давлат муассасаси вакиллари иштирок этдилар.

Мониторинг давомида дарё ўзанлари, соҳилбўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида жойлашган ер участкаларидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар (лицензиялар) талабларига риоя этилиши ҳолати атрофлича ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан масъул ташкилотларга тегишли тавсиялар берилиб, қонунчилик талабларига қатъий амал қилиш зарурлиги таъкидланди.



Энди **TABIAT** газетасини темир йўл вокзаллари ва поездларда ҳам ўқишингиз мумкин.

Oila va  
**TABIAT**  
Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta



Ўзбекистон  
Экологик партияси Марказий  
Кенгаши нашри

Тахрир ҳайъати:  
Абдушукр **ҲАМЗАЕВ**  
Азиз **АБДУҲАКИМОВ**  
Борий **АЛИХОНОВ**  
Рустам **МАМАТКУЛОВ**  
Хайрулло **ГАППОРОВ**  
Нарзулло **ОБЛОМУРОДОВ**  
Зиновья **НОВИЦКИЙ**

Бош муҳаррир:  
**Хусниддин БЕРДИЕВ**

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000.  
Амир Темур 1-тор кўчаси,  
2-уй.  
Тел/факс: 71 234-83-45.  
E-mail: info@od-press.uz

Газета 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида қайта рўйхатдан ўтказилган. Гувоҳнома рақами: № 0814.

Муассис: «Оила ва табиат» газетаси МЧЖ  
«Kolorpak» МЧЖ босмахонасида  
чоп этилди. Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1а-уй.

Адади: 4130 нусха. 1 2 3 4 5 6

Буюртма: 1141  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси – 193  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4  
босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

